O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Milliy Tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi | 2002 yil, 12 fevral | 3 (253) son

Партия ҳаёти

ҚУЧОҚ ОЧИБ ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК

1-3 феврал кунлари юртимизнинг кўҳна воҳаси Хоразм вилоятида элимизнинг таниқли кишилари, партиямиз етакчилари иштирокида воҳа кишилари билан самимий учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Ғафуровлар вилоят ёзувчилари уюшмаси ижодкор вакиллари билан биргаликда Хива шаҳри педагогика коллежи ва Урганч шаҳрида бўлиб зиёлилар, талабалар, жамоатчилик вакиллари билан дилдан мулоқот қилдилар.

Таниқли адиблар мамлакатимизда бўлиб ўтган умумхалқ Референдуми ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир бир неча янги қарорлари ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Урганч шаҳрининг Огаҳий номли вилоят театрида бўлиб ўтган учрашувда вилоят ҳокими Ислом Бобожонов қатнашди ва сўзга чиқди. Эл ардоғида бўлган таниқли ижодкорларимизнинг ёрқин чиқишлари кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фикр оламини бойитди, мустақил давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати ҳақидаги тасаввурларини янада тўлдирди.

Учрашувлар севимли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг қутлуғ 60 ёши, ижодий фаолиятининг 40 йиллиги муносабати билан айтилган самимий қутловларга уланиб кетди.

Мулоқотларда Миллий тикланиш партиясининг фаолият қирралари, партия сафларидаги аъзолар таркиби, партия нашри, ЎзМТДПнинг зиёли ғоялари, мақсадлари ҳақида қизиқарли саволжавоблар айтилди, партия хайриҳоҳлари сони янада ортди. Улар тикланиш ғояларига инсоний ва миллий қадр-қиммат каби қарашларини билдирдилар, ёруғ сўз, бундай маънавий фойдали мулоқотлар учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Бўлиб ўтган бу самимий суҳбатларда таниқли адиблар ўз асарларидан намуналар ўқиб, эл дилини янада хушнуд этдилар. Учрашувларда вилоят ҳокимлиги ҳамда жойлардаги ҳокимликларнинг вакиллари қатнашди.

Мулоқотлар шукуҳи Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ҳам давом этди. Адиблар Элликқалъа туманидаги янги очилган муҳташам коллежда бўлиб, коллеж жамоаси, талабалар билан учрашдилар. Туман санъат саройида Элликқалъа меҳнаткашлари билан дилдан суҳбатлашдилар, туман аҳлининг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар. Ўнда туман ҳокими Неъматилла Худойбергенев сўзга чиқиб, тумандаги янги қурилишлар, туман ҳокимлигининг маърифатимиз равнақи учун олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Ўз мухбиримиздан

Устоз адибларнинг давралари ҳамиша гавжум. Қаҳрамон адибимиз Саид Аҳмадни доим шогирдлар йўқлаб туришади. Суратда ўнгдан: профессор Умарали Норматов, устоз Саид Аҳмад, журналист Шуҳрат Жабборов, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

ХАЛҚ ИРОДАСИНИ КЕНГ ИФОДАЛАШ – СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ МОҲИЯТИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда икки палатали парламент барпо этишга доир ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари янги паллага кирди. 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган Референдум натижалари ҳам кўрсатиб турибдики, халқимиз бу йўналишдаги ислоҳотларни бир овоздан қўллаб-қувватламоқда. Президент Ислом Каримов бошчилигида давлатимизнинг бош ислоҳотчи сифатида икки палатали парламентни шакллантиришга интилиши, бу – «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Сиёсатшунос минбари

Албатта, мамлакат сиёсий тизимида икки палатали парламентни қарор топтириш жараёнларида миллий ўзига хослик устуворлик касб этади. Шу билан бирга, парламентчилик тарихи, илғор ва етук давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганишнинг аҳамияти ҳам каттадир.

Икки палатали парламентнинг халқчил хусусиятлари, бунда ҳар иккала палатанинг жамиятдаги барча ижтимоий табақалар манфаатларини ва сиёсий иродаларини кўпроқ ифодалашга қобиллигини илк бор Шарл Луи Монтескье (1689–1755) чуқур ўрганган эди. У икки палатали парламентни ҳам ижроий, ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятларни қоидалардан «четга чиқишлардан ушлаб турувчи» унумли восита сифатида асослаб берган эди. Монтескьенинг (ўз даври нуқтаи назаридан) фикрича, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аристократик қатлами, яъни юқори палатаси қарор қабул қилиш ҳуқуқи асосида эмас, балки қонун лойиҳаларини қабул қилишда манфаатларни мутаносиблаштириш мақсадларида бекор қилиш ҳуқуқи асосида қурилиши лозим. Француз мутафаккир маърифатпарвари «эркинликни таъминлашга» қобил бўлган ҳокимият амал қиладиган конституцияни қуйидаги қоида асосида ифодалаган эди: «Бунда қонун чиқарувчи мажлисни ўзларига бир-бири тегишли бўлган бекор қилиш ҳуқуқи асосида ўзаро ушлаб турувчи икки қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз ўрнида ижроия ҳокимияти билан боғланадилар. Бу ҳокимиятлар ҳам ўз навбатида қонун чиқарувчи ҳокимият билан боғлиқ бўлади».

АҚШ давлатини барпо этиш асосчиларининг (Томас Жефферсон, Жеймс Мэдисон, Александр Гамилтон ва бошқалар) фикрича эса парламентнинг икки палатали қилиб қурилиши, биринчидан, ҳокимият тепасида турганларнинг сайловчилар олдидаги мажбуриятларини унутишдан ҳимоя қилади. «Унинг (яъни икки палатали парламентнинг) мавжудлиги билан халқнинг хавфсизлиги икки карра ишончлироқ бўлади, яъни ҳар қандай ҳокимиятни суиистеъмол қилиш учун ҳар икки автоном палаталар ўртасида келишув бўлиши талаб қилинади. Иккинчидан, бу каби модел «барча ва ҳар қандай ассамблеяларнинг бирданига турли ҳис-туйғуларга берилишига, бир гуруҳ устунлик қилувчиларнинг ўйланмаган, таназзулга мойил қарорларни қабул қилишларига» тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, «қонунчилик принциплари ва вазифалари билан етарлича таниш бўлмаган ҳолда сайланаётган вакилларни (қуйи палатага) бўлишига йўл қўядиган камчиликлар» тўлдирилади. Ва ниҳоят, қуйи палатанинг тез-тез алмашиб туриши шароитларида бикамерализм парламент фаолиятидаги меросийликни изчиллик билан сақлаб туришга ёрдам беради.

Ҳозирги даврга келиб Европа мамлакатлари парламентларининг шакланиш тартиблари турли-тумандир. Барча машҳур принциплар, яъни тўғридан-тўғри ва билвосита сайловлар, уларни тайинлаш ва кооптациялар турли хил кўринишларда учрайди.

ХХ аср илғор ва етук мамлакатларда либерализм оқимининг тўла тантана қилиши, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этилиши билан характерланди. Бундай жамият ва давлат қуришда қонун чиқарувчи ҳокимиятни ислоҳ этиш ва янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, жамиятдаги ижтимоий табақаларнинг ирода ва манфаатларини кенгроқ ва чуқурроқ ифодалаш воситаси бўлган икки палатали парламентларни янада демократлаштириш фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим тамойилларидан бирига айланди.

ХХ асрнинг сўнгги уч ўн йиллигида икки палатали парламентлар 45 тадан 67 тага кўпайди. Шунингдек, янги аср бошларида ҳам яна кўплаб давлатлар икки палатали тизимга ўтмоқдалар. Бир палатали парламентларнинг деярли 70 фоизи асосан ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда: агар бугун жаҳонда 87 та бир палатали парламентлар ишлаётган бўлса, уларнинг 62 таси ўтган асрнинг 60-йилларда мустақилликка эришган учинчи дунё мамлакатларидадир.

Икки палатали парламентнинг классик намуналаридан бирини Германия Федератив Республикаси мисолида кузатиш мумкин. Германия парламентининг қуйи палатаси Бундестаг, юқори палатаси Бундесратдир. Германия Асосий қонунининг 38-моддасига биноан «Бундестаг депутатлари умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин сайловлар йўли билан сайланадилар. Улар умумхалқ вакиллари ҳисобланиб, ҳеч қандай наказлар ёки кўрсатмаларга боғлиқ эмаслар ва фақат ўз виждонларига итоат этадилар». Уларнинг ваколатлари тўрт йил муддатга белгиланган. Бундестаг умуммиллий палатадир, унга қонунлар лойиҳалари федерал ҳукумат, Бундестаг аъзолари ёки Бундесрат томонидан киритилади.

Парламентнинг юқори палатаси – Бундесрат 16 та федерация субъектлари бўлган ерларнинг (давлатларнинг) вакиллиги ҳисобланиб, у федерация микёсидаги қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари фаолиятида иштирок этади. АҚШ ёки Швейцария федератив давлатларининг сенатлик тизимидан фарқли ўлароқ, Бундесрат сайланган халқ вакилларидан иборат эмас. Бу палатага федерал давлатдан субъекти бўлган вакиллари аъзо бўлиб киради. Аҳолисининг сонига қараб Бундесрат аъзолигига ерлардан ўчтадан то олтитагача жой ажратилган. Бундесрат аъзоларининг ҳар бир ердан юборилган вакилларининг овози ягона, улар алоҳида фикр билдиришлари лозим. Чунки, у ўз вакиллик қилаётган ернинг ҳудудий манфаатлари ифодачисидир.

Қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаси ерларнинг ҳудудий манфаатларига ва суверенитетига ёки ижроия ҳокимиятининг молиявий ҳолатига тажовуз қилмаслиги учун қонунлар лойиҳасининг ярмидан кўпроғи Бундесрат томонидан кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланиши қоидаси киритилган. Акс ҳолда қарор ёки қонун кучга кирмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам Конституцияга ўзгартириш киритиш учун Бундесрат аъзоларининг камида – учдан икки қисми розилигини олиш талаб этилади. Қонунлар қабул қилишнинг барча қолган ҳолатларида Бундесрат фақат рад қилиш ҳуқуқига эга, халос. Бундай рад этиш ҳолатларида қонунлар лойиҳаларини Бундестаг аъзолари қайта кўриб чиқиб, кўпчилик овоз билан (учдан икки қисми) қайтадан қабул қилишлари мумкин. Агар Бундестаг билан Бундесрат келиша олмасалар, у ҳолда иккала палата аъзоларидан иборат келишув қўмитаси тузилади.

Тажрибадан маълумки, кўп ҳолатларда қўмитада муросали ечим ишлаб чиқилади. Бундесратда ерлар давлатларининг ҳудудий манфаатлари партия манфаатларидан юқори қўйилади. Шунинг учун баъзида овоз беришлар шундай натижаларга олиб келадики, у сиёсий партиялар кучларининг мажоритар мутаносиблигига жавоб бермай қолади. Бу фаолиятдаги федерализмдан далолат беради. Мамлакат марказий ҳукумати ҳар доим ҳам ҳамма соҳаларда партиялардан тузилган жойлардаги ерларнинг давлат ҳокимиятлари ўзининг изидан боришига ишона олмайди. Чунки, кўпинча марказий ҳукумат билан ерлардаги ҳукуматларнинг партиявий таркиби бир хил бўлмаслиги мумкин.

Ҳар бир ер ўзининг асосий манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда худди шу мақсадларни кўзлаган бошқа ерларни ҳам, ҳокимият тепасида қайси партия бўлишидан қатъий назар, ўзларига иттифоқчи

(Давоми 2-бетда)

Эркин ВОҲИДОВ:

СЎЗНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ҚУДРАТИ

Биз миллий озодлигимиз туфайли даҳо шоиримиз Навоийнинг чинакам оламшумул номига қайтдик, унинг инсониятга мангу хизмат қиладиган ўлмас ғояларига мурожаат қилмоқдамиз. Бугунми, келажакми, замон нафасида Навоий сўзи яшаган, амал қилган, севиб ўқилган даврлар тарих зарварақларига ёрқин кунлари билан порлаб кираверади.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу суҳбатда замонамиз кишиларининг Навоий ижодига муносабати, бу уммондан «баҳраварлик» мавзусида, бир сўз билан айтганда, маънан Навоийга қайтиш ҳақида сўз боради.

Саҳифамизнинг ҳурматли меҳмони – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов.

– Ҳар қандай санъат асарига мухлислар аввало завқ ёки кайфият назари билан қарайдилар. Гарчи маънавий сабаблар асосийси бўлса-да, улар мухлис учун завқ қадар аҳамиятли эмас. Ижозатингиз билан суҳбатимизни Навоий ижоди мисолида мутолаа завқи мавзусидан бошласак. Бу хусусдаги мулоҳазалар, тарихий ёки бугунги ҳаётий кузатишлар ҳамма учун қизиқарли деб ўйлаймиз.

– Яхши мавзуда сўз очдингиз. Чиндан ҳам қалбнинг шеърга, шеърнинг қалбга ошнолиги аввало завқдан, илҳом гавҳарининг қалбдан қалбга узатилиши завқланишдандир. Биз буни кўп унутиб қўйдик. Завқда бир ихтиёрийлик борлиги, кишида мустақил мутолаага иштиёқ шу завқдан пайдо бўлиши ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмадик. Китобни фақат мажбурият юзасидан эмас, ихтиёрийлик, хоҳиш билан ўқиш, унга муҳаббат қўйиш ана шу завқланишдан жуда осон юзага келиши мудом эътибордан четда қолаверди. Узоқ йиллар бу жиддий бир жиҳат деб қаралмади.

Катта-кичик турли ўқув даргоҳларида шоир ва адибларнинг ижоди ўрганилганда асосан асарларнинг ғоявий мазмуни, қаҳрамонларнинг характери, образлар қандай тасвирлангани, бу билан ижодкор қандай мафкура ё маслакни илгари сургани тўғрисида гапириларди. Шоир ёки адибнинг фалсафий дунёқараши, ғоявий маслаги, ўз замонига бўлган муносабати, образлар тимсолида «у нима демоқчи» бўлгани ҳамиша асосий ўринда турди.

Ўқувчи ёки талабагами, бирор марта «шу шоирнинг қайси шеъри кўнглингизга кўпроқ ёқади, завқ беради? Бунинг сабаби ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Қайси шеърдан кўпроқ ҳайратга тўлдингиз, уни ўқиб дилингизни яйратган нарса нима?» деган саволлар айтилганини эслаш қийин. Чунки у пайтда бундай савол қўйишнинг ўзи ғайритабиийдай эди.

Талабалик йилларимизда олий ўқув даргоҳини битириш арафасида ўқитувчилик тажрибасини олиш учун мактабда дарс берганимизни эслайман.

Ўқувчилар билан Ғафур Ғулом ижоди ҳақида суҳбатлашар эканман, бир ўқувчимга «Ғафур Ғуломнинг ўзингга ёққан шеърини ёки дилингга ўрнашиб қолган бирор сатрини айтиб бергин, майли, китобда берилган бўлиши шарт эмас», дедим. Ўша пайтларда менинг бу сўзларим ўқитувчиларга кўп эриш туюлган ва улар бундай саволлар ўқувчиларнинг фикрини чалғитишини, бунақа саволлар бериш дастурда белгиланмаганлигини айтиб, мени «тўғри» дарс беришга ундашган эди. Лекин мен ёш шоир сифатида ва адабиётчи муаллим нуқтаи назаридан шеърнинг илк таъсири аввало унинг қалбга берадиган завқи, ҳайратидир деб қарардим. Негаки, ишқий шеъриятнинг асосий мазмуни аслида жуда жўн қилиб айтганда, мен сени яхши кўраман, сен гўзалсан, деган гап, холос. Аммо муҳаббат шундай туғанмас абадий мавзу эканки, шоирлар бир-бирини такрорламасдан, рангин сўзларда уни мангу куйлайверади.

Шоирни шоир қилган синоат нима экани ҳақида ўйлаб кўрсак, шеъриятдан сабоқ беришнинг тўғри бир мушоҳадаларини топамиз, назаримда. Фалсафий қараш-лар, ғоялар деймиз, аслида ҳар бир инсоннинг ўз дунёқараши бор, турли масалаларда, тўғрими-нотўғрими, ҳар кимнинг ҳам ўз фикри бор. Ғояси бор одамлар ёки ҳикояларида бирор бир мазмун берилгани, воқеалар тасвирлангани билан уларнинг ҳаммаси ҳам ёзувчи эмас. Ёхуд тўрт қатор (борингки, тўплам-тўплам) шеърни мазмундор ёзмоқнинг ўзи билан шоир бўлиб қолинавермас. Шоирнинг шоирлиги, адибнинг адиблиги у яратган санъатнинг сеҳрида, қалбга ғизо бўлгулик завқида, ҳайратидадир!

Энди ўзимизга шу саволни қўйсак. Биз, Навоийни тарғиб қилувчилар, у қандай ёздию, қандай тушунтириб

(Давоми 2-бетда)

Баҳрамандлик саодати

БУ СОНДА

ШАРҚОНА МАЪНАВИЯТГА – ҒАРБОНА ТЕХНОЛОГИЯ
2-бетда

Фикр майдони
* * *
БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ВА ФИҚҲ ИЛМИ
3-бетда

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ГУРУНГЛАРИ
4-бетда

БОЛАЛАРГА БЕФАРҚ ЎЛМАНГ

ТОШОТАР

... Ўша куни темир йўл атрофида юрган йигитчага ҳеч ким эътибор бермади. Унга назари тушганлар бўлса ҳам уни мактабга боряпти ёки бирор юмушлар билан йўлга чиққан деб ўйлаганди.

Жамбул кечки пайт уйга қайтаркан, қилган ишини кимгадир мақтагиси келди. Аммо уйда унинг қаерга борганию, кун бўйи нима билан машғул бўлганига қизиққан киши бўлмади. Мактабдан ҳам бирон хабар келмагани аниқ, акс ҳолда уйидагилар уни албатта тергарди.

Синган ойналарнинг "шақир-шуқур" овозини эслаб, болакай яна бир роҳатланиб қўйди. Айниқса, бир лаҳзагина томоша қила олган бўлсада, поезд ичидаги "қий-чув"ни, проводник амакининг қўлини муштлаганча бир зумда кўздан йўқолиб қолганини қайта-қайта эслаб эзилиб кулди. Эртага мактабга бориб синфдошларига мақтанади энди, нақ учта ойнани тош билан уриб чилчил қилди-да.

Ўзини безориларнинг "атамани" билиб, анча пайтгача хаёл суриб уйқуга кетган Жамбулни эртаси кун онаси гапира-гапира уйғотди: "Ўртоқларингни мактабдан қайтадиган вақти бўлди-ю, сени аллақачон синфда ўтирибди деб ўйловдим-а".

Жамбул йўлда кетар экан, иккинчи дарсга ҳам кеч қолганини тушунди. Ҳозир боргани билан қанча кечирим сўрамасин, барибир муаллим тикка турғазиб қўяди, синфдошларига масхара бўлади . Ана ундан кейин туни билан миясида пишитган мақтанишлар бир пул бўлиб қолади. Шу ўйлар билан темир йўл изидан кетаётган Жамбулнинг қулоғига поезднинг овози эшитилди. Гўё қўллари бағирлагандек бўлди. Беихтиёр ерда ётган тошларни терди-да, панароқ жойга ҳам ўтмасдан шундоқ йўл четида турган поезднинг келишини кутди. "Кеча ҳеч ким ҳеч нарса қилолмади-ку, ҳей, нима ҳам қиларди, поездни тўхтатармиди..." — ўйлади у.

Худди шу худудда безорилик содир қилинганлиги учун атрофни назорат қилаётган темир йўл посбонлари унинг ёнига келгунларича изма-из тўртта ойнанинг чилпарчин бўлган овози эшитилди. Лекин...

... Жамбул уйғоқлигиниям, ухлаётганини ҳам билолмасди. Фақат қандайдир одамлар югур-югур қилгани, оқ халатли кишилар унинг тепасига тўпланиб олиб, жимгина нимадир қилаётгани, онасининг йиғиси... Кейин яна поезд, яна қий-чувга тушган кишилар... Ҳаммаси тушунарсиз, вужудини эса чидаб бўлмас оғриқ қамраб олган.

Операциядан кейин наркоз таъсирида алахсираб ётган ўғлининг лабини хўлларкан, онаси нуқул мактаб муаллимларини айблаганча гапирарди:

— Мен боламни ўқисин деб мактабга жўнатсаму, бу муаллимлар қарамаса, фақат кунини ўтказиб кетишадими, кори нима уларнинг...

Кўп ўтмай Жамбулга рухсат беришди. Мактабда эса синфдошлари уни ўзи ўйлаганидан кўра бутунлай бошқача кутиб олишди.

— Ҳа, "полвон", нечта ойна синдирдинг? Ёки ойна сени синдирдими?

— Қаранглар-а, пешонасига нимадир ёзув битилибдими?

— Ҳозир ўқиймиз-да. Ие, "кесакполвон" деб ёзиб қўйишибдию...

Жамбул касалхонада танини зирқиратган оғриқни ҳаётнинг энг оғири деб ўйлаганди. Аммо ҳали бундан ҳам бадтар оғриқлар борлигини хаёлига келтирмаган экан.

* * *

Кейинги йилларда воя-га етмаган болалар ўртасида темир йўлларда поезд вагонининг ойналарини синдириш, темир йўл изларига атайлаб тош ёки бошқа нарсаларни қўйиб қўйиш, светофор ва линзаларга зарар етказиш каби безориликлар содир этиш ҳоллари кўп кузатилмоқда.

Масалан, Хоразм вилоятимизда биргина ойна синдириш ҳолатининг ўзи ўтган йили 12 маротаба такрорланди. Бунинг оқибатида Ўзбекистон темир йўллари ДАТК "Ўзтемирйўловчиташиш" давлат корхонасига 47690,40 сўмлик зарар етказилган. Шу "шўхлик"лар натижасида содирбўлган бахтсиз тасодифлар туфайли 5 нафар ўспирин дунёдан бевақт кўз юмди. Хизмат юзасидан касбимизга доир маълумотлар билан республика миқёсида танишганимизда бундай безориликлар бошқа вилоятларда ҳам кўп учраётганини гувоҳи бўламиз. Наҳотки, бу "ўйинқароқлик" бўлса, фарзандларимиз юрагида ёмон ҳисларнинг ортишига мойиллик, турт-ки эмасмикин бу?! Бу тарзда "шўхлик" қилаётган болаларни бамайлихотир кузатаётган ота-оналар, бепарво тарбиячилар шулар ҳақида мулоҳаза юритиб кўрсалар, эртага кимларнингдир дил ойнасига дарз етишининг олди олинарди, албатта. Ёки маҳалла фуқаролар йиғинининг раислари фарзандларимизга безориликдан кўра қизиқарлироқ, фойдалироқ ўйин жойларини, турли машғулотлар учун шароит яратишга интилсалар, деймиз. Болалар китобга хуши йўқ деймишади. Эҳтимол уларга эски китоблар ёқмас, янгиларини бериб кўрайлик. Болалар учун китоб чиқарадиган махсус нашриётлар бор. Улар чоп этаётган янги асарлар ҳақида кўрсатувлар бўлиб туради. Ёки уларнинг сўнги йиллардаги китоблари болалар кўлига етиб келмаяптимикин?! Газеталар-чи?! Балки бугун зерикканиданми ойнага тош отаётган Фаррух, Илёс, Жамбулдек ўспиринларимизга озгина эътиборли қаралса, эртага улар керакли нарсаларга зарар берувчи эмас, ўзлари жамиятимизга керакли шахс, яхши инсон бўлиб етишарди.

Рустам СОДИҚОВ,
Оролбўйи транспорт прокурори ўринбосари,
Муқаддас ИСМОИЛОВА,
журналист

Ҳулқ

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

(Боши 1- бетда)

қилиб олишга ҳаракат қиладилар. Бу кўпинча Бундесратда ўзгаришлар бўлиб туриши мумкинга олиб келади. Агар федерал ҳукумат аъзолари мансуб бўлган партиялар вакиллари Бундесратда кўпчиликни ташкил этмаса, ҳар доим ўзаро ён бериш лозим бўлади. Бир йил муддатда доимо алмашиниб туриш принципи асосида Бундесрат аъзолари ерлар бош вазирларидан ўзининг раисини сайлайдилар. Бундесрат раиси амалдаги президент ўз иш қобилиятини йўқотса, федерал президент ваколатини ҳам бажариши мумкин.

Европадаги барча мамлакатлар парламентлари юқори палаталарининг умумий устувор тамойили, бу – вакиллиликнинг ҳудудийлик принципидир. Европадаги унитар давлатларнинг тобора минтақавийлашиб бориши натижасида юқори палаталарнинг функциялари тобора кўпроқ умумевропавийлик тусини олмоқда. Юқори палаталар фаолияти натижасида ҳокимият институтларида фуқаронинг кўпроқ ва кўпқиррали вакиллигини амалга ошириш имкониятлари туғилмоқда. Шунингдек, баъзан рўй бериб турадиган қуйи палатанинг устунликка интилиши ва корпоративликка ҳаракат қилишини юқори палаталар чеклаб турганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Италияда ҳам XX асрнинг ўрталаридан бошлаб икки палатали парламент тузишга амал қилиш бошланди. Лекин фашистлар режими даврида парламентнинг жуда кўп ваколатлари бекор қилиниб, у деярли ўз функцияларини бажара олмади. 1947 йилги Конституцияга биноан парламент умуммиллий асосларда сайланадиган 630 депутатдан иборат Депутатлар палатаси ва 20 та вилоятлардан сайланадиган 315 та сенатордан иборат Сенат палатасидан иборат. Қуйи палатага депутат бўлиш учун номзод 25 ёшга, сенатор бўлиш учун 40 ёшга тўлган бўлиши шарт. Сенатда барча собиқ президентлар умрбод сенаторлар ҳисобланади.

Депутатлар палатаси сайловларнинг пропорционал тизими бўйича шаклланади. Сенат эса сайловларнинг мажоритар тизимидан, шунингдек, пропорционал тизим элементларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Депутатлар палатаси кўпмандатли округлардан сайланиб, овоз беришлар партиявий рўйхатга биноан амалга оширилади. Сенатга сайловлар эса бир вилоят доирасидаги бир мандатли сайлов округи асосида амалга оширилади. Бунда сайловчилар аниқ номзод учун овоз берадилар, лекин номзод баъзи мажбуриятлар билан боғланган бўлиб, унга биноан, мазкур вилоятда партия томонидан кўрсатилган номзод билан олинган овозларни биргаликда баҳам кўриши лозим. Ҳар иккала палатанинг ҳам ваколати беш йил муддатга белгиланган.

Ҳозирги давр Италия бикамерализми (икки палаталиги) иккита конституциявий принциплар мавжудлигидан келиб чиқади: тенглик ва палаталарнинг автономлиги. Масалан, ҳукумат ҳар икки палатанинг ишончига эга бўлиши керак. Иккала палата Республика Президентини сайлаш пайтида, Республика Президенти қасамёдини қабул қилишда, Республика Президентини судга бериш пайтида, Магистратура Олий Кенгаши аъзоларини учдан бирини сайлашда, Президентнинг судловчи, суд аъзолари рўйхатини шакллантириш пайтларида қўшма мажлисларга йиғиладилар.

Икки палатали парламентли мамлакатлардан бири Испания Қироллигидир. Бу ерда парламент Генерал Кортес деб аталиб, унинг қуйи палатаси Депутатлар конгресси, юқори палатаси эса Сенат деб аталади. Депутатлар Конгрессининг асосий функцияси Сенат билан биргаликда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш, қонунлар қабул қилиш, давлат бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, давлат органлари фаолиятини назорат этишдир. Депутатлар конгресси 350 та аъзодан иборат бўлиб, улар эркин, умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадилар. Ҳар бир провинция сайлов округи ҳисобланади. Депутатлар конгресси ва Сенат ўзларининг навбатдаги сессияларига йилда икки марта йиғиладилар. Конституцияга биноан Сенат ҳудудий вакилликни амалга оширади. Ҳар бир провинциядан тўрттадан сенатор, автоном ҳамжамиятлардан эса биттадан сенатор сайланади. Сенат 259 та аъзодан иборат бўлиб, улар тўрт йил муддатга сайланадилар. Сенатнинг асосий функциялари қуйидагилардир:

– ҳудудий интеграцияни таъминлаш (давлатнинг минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлаш, минтақавий ҳамжамиятни ривожлантириш, ҳамжамиятлар ўртасидаги ҳамкорликка доир битимларни тасдиқлаш ва фондларни тақсимлаш);

– депутатлар конгресси билан биргаликда қонунлар қабул қилиш;

– ҳукумат фаолиятини назорат қилиш ва сиёсий ташаббуслар билан чиқиш (ҳукумат фаолияти ҳақида тўлиқ ахборот сўраш, унинг фаолиятини сенаторлар муҳокамасига олиб чиқиш, маълум йўналишлар бўйича сиёсатлар олиб бориш тўғрисида тавсиялар бериш ҳуқуқлари);

– ташқи сиёсатни назорат қилиш (халқаро шартномаларни ратификация қилиш ёки рад этиш ҳуқуқи).

Илгор ва етук мамлакатлар тажрибаларидан кўриниб турибдики, икки палатали парламентлар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим бўғинларидан бири бўлиб, улар ўз жамиятларидаги турли ижтимоий табақалар ва гуруҳларнинг нисбатан кўпроқ манфаатлари ва иродаларини ўзида ифодалашга қобилдир. Шу билан бирга, юқори палата парламент ичидаги манфаатлар ва кучларни мувозанатлаш билан бирга парламентнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари билан доимий ва изчил мувозанатини таъминлаб беради. Қонун чиқариш жараёнларида ҳудудий минтақалар манфаатларини ифодаловчи вакилларнинг ҳам бевосита иштирок этишга ҳуқуқий имконият яратади. Ўзбекистонда ҳам икки палатали парламент орқали давлат ҳокимиятини демократлаштириш, сиёсий тизимнинг барқарор давомийлигига ва изчиллигини таъминлаш, қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантиришда сиёсий партияларнинг демократик институт сифатидаги ўрнини халқаро талаблар даражасига кўтариш, ижтимоий табақалар манфаатларини амалга оширишда уларни адолатли ва демократик асосларда мутаносиблаштириш имкониятлари пайдо бўлиши, шубҳасиз. Мамлакатдаги парламент ислоҳотлари пировард мақсадларимиз бўлган – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим босқичдир.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

(Боши 1- бетда)

келдик? Мудом завқ тарафи қолиб, фақат унинг ижодидаги мафкуравий жиҳатларни эзгулик, мардлик, меҳнатсеварлик, одоб каби инсоний фазилатларни улуғлаши ҳақида сўзладик. Ҳаётни севишга, яхши одатларга ўргатишини қайта-қайта таъкидладик. Бу эса Навоий ижодига жўн, утилитар муносабат, тор манфаатлар юзасидан қарашдир. Бу худди қуёшни булут билан ёпиб ундан таралаётган ёруғлик таърифида булут орқасида ой бор, деб тушунтиришдай фойдасиз ҳолдир.

Инсон учун кўп моддий нарсалар, кўп маънавий сабоқлар, фанлар фойдали ва керак. Лекин бадиий адабиётнинг, санъатнинг улардан фарқи, асл фойдалилиги нимада? Шеър ўзи нима? У юракларга ҳайрат ва сеҳр сола билади, инсонни заминдан юксакликка кўтаради. Шеър инсон қалбини сеҳрлайдиган шоирнинг сўзидир, фақат юксак сўзгина шундай мўъжизавий қудратга эга бўлади олади.

Бир пайтлар Навоий ижодидаги беқиёслик, завқ баробарида ҳар бир сўзга юкланган маънонинг нақадар чуқурлиги, маънолар рангинлиги ҳақида мулоҳазалар ортиб, ундаги кишини беихтиёр ўқишга мажбур қиладиган нарса нима, деган савол кўп айтила бошлади. Ҳатто, бундан таъсирланиб, даҳо шоирнинг нима деганини тушуниш-тушунтириш учун Навоий ғазалларини ҳозирги замон ўзбек тилига мослаб ёзишга интилишлар кучайди. Шунда «ҳазрат Навоийнинг сўзларини баённомадек тизмоқ, гўёки энг гўзал кийинган кишини ёки зарбоф тўнли шоҳнинг зарбофларини ечиб, халққа оддий кўринишда кўрсатишга ўхшайди, деб эътироз билдирган эдим.

Навоийдан ўқиб, унинг мўъжизавийлигига ҳайратланаман, одамзод шундай сўз айтиши мумкинми дейман, бу гўё ғайбдан келган бир илоҳийлик каби:

Саҳар ҳовар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти,

Шуои хат ила кўҳсор уза олтун алам чекти.

Заволсиз барака...

СЎЗНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ҚУДРАТИ

Шу боис Навоийни тарғиб қилганимизда ундан ақлимизнинг бойиши, фикримизнинг кенгайиши ҳақидагина сўз айтиш кифоя эмас. Унинг завқу шавқ, дилга роҳат бўлгувчи, гоҳ ҳайратга, гоҳ ўйга толдириб, қалбимизга дард бериб, илоҳийликка дахлдор қилгувчи буюк сеҳрига бу беқиёс ижоддан ўқиб, ўқиттириб ошно қилмоғимиз, чинакам баҳраварлик, комилликка интилмоқ бўлур эди. Уни тинглаб, Навоийни ўқиб, ҳақиқий инсонийликка, аслимизга қайтгандай бўламиз. Бобокалонларимиз қандай бўлганлигини мутолаа завқ-ида бир қадар ҳис қилиб, ўзимизни қанчалик майдалашиб қолганимизни сезамиз.

Навоий оламига ошно бўлганимда юксак тоғ чўққисига чиққан каби ҳислар чул-ғайди. Тоғ устидан назар ташланилса, дунёнинг кенглигини, боқийлигини кўрасиз, заминдаги кўкўпар, ҳашамдор туюлган нарсалар асли жудаям майда-чуйда эканини, одамлар ўз имкониятларидан торайиб, имкониятлар оламининг бир нуқтасида яшаётганини ҳис қиласиз.

Лекин завқланмоқ учун сўзларнинг ўзинигина тушуниш етарли эмас. Қолаверса, кўп сўзлар биздан узоқлашиб қолди (балки биз узоқлашдик, десак тўғри бўлар). Бу сўзларни маънавиятимизда қайта топмоқ, тилимизга етаклаб олиб кирмоқ фақат мутахассисларнинг иши эмас. Бу ҳақда ўзини ўзбек билган ҳар бир киши қайғуриши, ўзини, ўз тилини ўзида тиклаши лозим. Навоийнинг ижоди шундай кенг қамровга эгаки, уни ўқимоқ она тилимиз уммонини сочилиб кетган гавҳарларига тўлдирмоқни-да тақозо қилади.

Араб мамлакатларидан бири – Мағрибда сафарда чоғимиз мени уларнинг она тилига бўлган масъулият назари, муносабати мутаассир этган эди. Улар «атом» сўзини араб тилига ўгириши учун 22 та араб давлатининг олимлари бирнеча вариантларни таклиф этиб, сўнгра яширин овоз бериш йўли билан «зарра» сўзини қабул қилишган. Сўз муомалага киритилгач бир йил давомида «атом (зарра)» шаклида, иккинчи йили «зарра (атом)» шаклида, учинчи йилдан эса «зарра»нинг ўзини қўллайдиган бўлишган ва ушбу сўз чинакамига муомалага кириб кетган. Бундай жараёнлар уларда ҳозир ҳам давом этиб келаётир.

Яна шундай воқеалардан бири ёдимга муҳрланиб қолган. Америкадаги бир йиғинда қатнашаётган эдим. Туркий бир киши «унолғуни менга берсангиз» деди. У микрофонни сўраган эди, унол-ғу – қандай чиройли сўз! Очиғи, мен қувониб кетдим, ун – овоз, олғу – олмоқ, демак овозни олувчи, ўзимизнинг асл сўз-да! Ёки шу пайт-гача елвизакни сквозняк деб келардик, халқимиз хазинасида бу сўз ҳам бор экан, бундай атамаларимиз ҳали кўп ва бебаҳо.

– Одатда, мухлислар суҳбатлардаги узун саволларни бир қадар хуш кўрмайдилар. Уларга узри ҳавола қилган ҳолда ушбу узун саволимни мухтасаргина мулоҳазадан бошласам.

Навоий халқнинг ўз она тили деярли сиқиб чиқарилаётган бир даврда беқиёс ижоди ва маърифатли шоҳ Ҳусайн кўмаги билан она тили қадрини ҳар томонлама ўз мақомига тиклади, тил воситасида миллатнинг ўзлиги ўзида қолди. Фикри ожизимча, замона зайли билан агар ҳамма қатори Навоий ҳам замонга боққанида, эҳтимол тилимиз сақланиб қолмаган ва шунга боғлиқ равишда миллатимиз ҳам моҳиятан қиёфасини, миллийлигини йўқотган бўлур эди. Ўша даврда ҳам халқ Навоийни ўқиб, куйлаб она тилига қайтган, тарих саҳнасида ўзини тиклаган. Бу тарихий жараённи, хусусан, Навоийдан ўқиш заруратини бугунги кун қиёсида қандай изоҳлаган бўлур эдингиз? Интилиш эҳтиёждан туғилади, дейдилар.

Адабиёт учун кураш тил учун курашдан бошланади. Ўша даврда она тилимиз йўқ қилиб юборилишига маънавий ҳукм қилингандай эди. Агар Навоий замон, шароитнинг бу ҳукмини катта салоҳият билан миллатимиз тақдиридан олиб ташламаганида, она тилимизнинг бугунгача сақланиб қолишини тасаввур қилиб бўлмасди. Истибдод даврида ҳам миллий тилимиз йўқ қилинишига ҳукм этилди, агар бу тажовузкор тузум яна 50-60 йил ўз тазйиқини ўтказганида тилимизнинг тақдири аянчли, фожиали кечиши мумкин эди. Чунки ўзбек тили расмий ишларда, тадбирларда қўлланилмас, исталган раҳбарнинг қабулхонасида ёки исталган бир кичик мурожаат қилинадиган жойда сиз очадиган эшик, сиз чертадиган деразанинг орқасида сизни ўзбек тилини билмайдиган ходим кутиб оларди, ўзбек мактаблари қисқариб бормоқда эди. Юқори доираларда бирорта йиғин она тилимизда ўтказилмасди. Она тилимизга маҳалла, чойхона доирасида гаплашадиган тил сифатида паст назар билан қараларди.

Баҳрамандлик саодати

Баъзан издиҳомларда узр айтиб ўзбекча гапириш истагини билдирган киши қаттиқ танбеҳ эшитган пайтлар кўп бўлган. Шунинг учун озодлигимиз берган ўзлигимизнинг қадр-қимматини, энг аввало ўзбек тилини сақлаб қолганлар қаҳрамонлигининг асло мангзи йўқ. Ҳали истибдоднинг дами қайтмаган 1989 йилда она тилимиз ҳақида қонун қабул қилиш учун жуда катта жасорат, матонат керак эди. Қолаверса, айни ўша кунларда ҳатто баъзи «ижодкорлар» бу улуғвор, ҳаёт қадар зарур ишга қарши турган ҳам эдилар. Улуғ бобокалонимиз бошлаган бу кураш ҳамиша давом этади. Чунки мустақиллигимиз туфайли тилимизнинг тарихий эътибори, мавқеи сақланиб қолганлиги билан қаноатланиш бу ҳали етарли эмас. Чунки, узоқ йиллик мафкура таъсирида тилимиз ўз асл гўзаллигини йўқота борди, кўп сўзлар суньий ва мажбурий тарзда арабча, форсча ёки диний, эскилик сарқити каби турли тамғалар остида истеъмолдан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнига русча сўзлар кирди. Бугун асл сўзларимизга ғоятда маънавий эҳтиёжимиз бор. Адабий тилимиздаги бугунги луғат бойлигимиз, тилимиздаги илмий атамалар ёки ҳар бир кишининг нутқидаги луғат бойлигига, ёшларимизнинг суҳбатларига эътибор қилсангиз, бу эҳтиёжни янада яққолроқ сезасиз. Шундай кезда бир «зарра» учун ҳатто, таъбир жоиз бўлса, «сайлов» ўтказган араб зиёлиларига ҳавасингиз келади. Бу қадар ғариб ҳолатга келган тилимизни ўзбек тилида қонун яратиш жараёнида чандон ҳис қиламиз, изланамиз. Биргина мисол айтай, олтиннинг «проба»си деганда «проба» сўзини бизда қандай номлаш мумкинлиги устида кўп ўйландик. Қадимдан тилла тангаларни ўйнатиб келган халқимизда бу тушунчанинг ўзбекча номи борлигига шубҳам йўқ. Демак, бу каби масалаларда халқимизга мурожаат қилишимиз, излаб топишимиз, тилимиз бойлигига бойлик қўшишимиз зарур. Ўйлаб қаралса, илмий терминларнинг кўпчилиги аслида шарқда яратилган, уларнинг орасида «дунё кезиб» хорижийлашган шаклда ўзимизга қайтганлари ҳам талайгина. Тилимизнинг бисот сандиқларини кенг очиб, эл билан бир изланса, юртимизнинг ҳар гўшасида қўлланилаётган сўз гавҳарларини терсак, даҳо шоиримиз Навоийдан тилни севмоқни ўргансак, тил бойликларимиз қалб мулкимизга қайтади.

Кишиларимизни бир калима сўзиданоқ бу юртнинг ҳар бир кишиси қалби тўла жавоҳир эканини ҳамма сезиб турсин дейман. Навоийдан, Бедил, Машрабдан ўқиган киши одамларнинг бошидан завқ билан зар сочган кабидир.

Мен билган устозлар борки, ҳар бир сўзини бир байт, бир ҳикмат билан безаб гапирадилар. Биз шундай бир бой адабий меросга эгамизки, бу мерос бизга **ҳаётнинг ҳар нечук мушкил ҳолатларидан қандай чиқиш йўлларини ўргатади, унинг ҳар қандай ҳолатларига баҳо берадиган байтлар бор.** Ҳақиқий баҳраманд, гап қайси мавзуда бормасин, шу мавзуда бир гўзал ташбеҳ айта олади. Шеърни кўп ўқиган, унга мудом ошно бўлган киши ўзи ҳам шоирга айланиб қолганини балки сезмас.

Юзингда зарварақ ҳар ёнки лутфи бениҳоятдир,
Жамолинг сафҳасида ҳар бири гўё бир оятдир.

Инсон жамолининг тасвири шу қадар бўларми?! Унинг юзини оят саҳифаларига, ҳар бир чизиғини бир оятга ўхшатиб, ҳазрати инсонни шу қадар мўътабар қилади.

Инсонга берилган саодатлар ичида энг буюги бу баҳрамандлик саодатидир. Яна назаримда бу ҳам Ҳақнинг саодатмандларга бир илоҳий иноятидир. Лекин бу иноятнинг маълум даражада кишига боғлиқ жиҳатлари бор. Эҳтимол ибтидода туйғулари ўтмас бўлиб яратилган кишилар бордир. Аммо киши яралмишда берилган нозик туйғуларига мос ҳаёт кечирмаса, шу туйғуларга муносиб завқу шавқини китоблардан топа билмасалар, Навоий каби даҳо шоиримиз ижодидан баҳраманд бўлолмасалар бу уларнинг маънавий фожиасидир.

Шеър ёзмаса-да, қалб бойлиги бир дунё, шеърнинг чинакам ошиғи бўлган, сўзласа лабидан дур тўкиладиган, мухлисларни биламанки, улар ҳар қандай ҳақиқий шоирдан кам эмас.

Дилором ҚЎЗИЖОН суҳбатлашди

ШАРҚОНА МАЪНАВИЯТГА – ҒАРБОНА ТЕХНОЛОГИЯ

Биз ҳамиша кўникиб, яна ангиларини ўзимизга пайдо қилиб турадиган урф-одатларимиз, тўй, маъ-рака, маросимлардаги расму қоидалар ҳақида мат-буот саҳифаларида кўп ёритилган, баҳсли мулоҳа-залар ўртага ташланган.

Эътиборингизга баҳс тарзида ҳавола қилинаёт-ган ушбу мақола ҳам сизни бефарқ қолдирмайди, фикрингизни қўзғатади, деб ўйлаймиз. Ундаги му-лоҳазаларга ўз муносабатингизни билдирасиз, де-ган умиддамиз.

Халқимизнинг миллий урф-одатларига, болажонлиги, меҳмондўстлигига хорижликлар ҳам эҳтиром билан қарайдилар. Саёҳатга келган хорижлик меҳмонлар маҳаллаларимиздаги, кўчаларимиздаги остоналаримиздаги тозалик, саранжом-саришталикни кўриб, «Сизлардаги фаррошлар яхши ишлар «экан, бунга қандай эришдинг-лар», деб сўрашган, «ҳар бир хонадоннинг қизлари ва келинлари бу ишларни ўзларининг бурчи каби беминнат бажарадилар», деганимизда, улар жуда ҳавас қилишган эди.

Бир куни Москвадан келган бир гуруҳ зиёлилар билан Самарқандни зиёрат қилиб, чойхоналардан бирида дам олиб ўтирар эдик. 5-6 отлиқ йигитлар олдимиздан ўтаётганларида отдан тушиб бизга салом бердилар, сўнг отларига яна миниб хайрлашиб кетдилар. Меҳмонлардан бири: «Бу отлиқлар сизларнинг қариндошларингизми?» деб сўрашди. Биз «йўқ, йигитлар бизнинг ёшимиз улардан катта бўлганлиги ва бу ерда меҳмон эканлигимизни билганликлари учун ҳурмат юзасидан саломлашдилар», десак улар жуда таажжубланиб, «бундай ажойиб урф-одатларни ҳар халқ ўрганса арзир», деб орзу қилдилар.

Бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Яна бир мисол. Умр бўйи шу ерда истиқомат қилган бошқа миллатга мансуб зиёли аёлни қўшничилик ҳурматидан ҳайит куни янги келин уйига таклиф қилишди. Шарқона безатилган уй, тўкин дастурхон ва кетма-кет кириб келаётган қизларни кўриб ҳайрон қолган меҳмон: «Келаётган қизлар қариндошларми? Кўрпа-кўрпачаларни ким қилган? Нега шунча кўп? Бутун уйдаги жиҳозлар кимлар томонидан совға қилинган?» – деб айтар эди.

Саволларга жавоб берувчиларнинг гап оҳангида «ҳа биз ана шундай тантимиз», деб ғурурланиб қўйиш ҳам сезиларди. Ота-оналар келин-куёвнинг ўзигагина эмас, уларни ҳатто набираларига ҳам етадиган кўрпа-кўрпачалар, яна бошқа уй жиҳозлари-ю, кийим-кечаклар совға қилишини айтишди.

Эл борки, тўй, маросим, маърака бор, уларда турфа урф-одатларимиз, турли расму қоидалар амал қилиб келади, ўзбекона борди-келдиларимиз ҳам талайгина. Чиндан ҳам тўй, чаллар, чақириқ, ҳайит дастурхони, ақиқа ва бошқа расм-русмларни «жойига қўйиш» учун ота-оналар неча бор, халқимиз тили билан айтганда, «паст тушиб, баланд чиқадилар». Кейинги пайтларда туғилган кунларимизни ҳам қуда-андаларимиз иштирокида ўтказа бошладик.

Ана шулар ҳақида ёзатуриб ўйланиб қолдик, истиқлолга 10 йилдан ошди, бозор иқтисодиёти ҳукм сурмоқда, лекин ҳамон ўзининг аввалги фикри билан иш юритаётганлар йўқ эмас, худди истиқлол уларнинг танасига сингмагандек, бозор иқтисодиёти деб тилда айтишади-ю, унга амал қилишга келганда таниб бўлмай қолади. Агар истиқлол уларнинг ҳам танасига сингиб, уни бор вужудлари билан қабул қилганларида эди, фикрларини майда-чуйдаларга эмас, истиқлолни мустаҳкамлашга қаратар эдилар. Аввало, ҳукумат тинмай айтаётганидек, ёш авлодни, яъни фарзандларимизни соғлом ўстиришга, уларни илмли қилиш ҳаракатимизга зўр берар эдик. Қилинаётган катта-катта серчиқим расм-русумларга бармоғимизни тишлаб туриб қараймиз-да, атрофимиздагилардан сўрагимиз келади: «биз ахир қачон ортиқча одатларимизни ислоҳ қиламиз? Қачон кучимизни таълим-тарбия, ижтимоиётга қаратамиз?».

Халқимиз бир неча даврлар давомида юртга ҳар хил маросимларда, жумладан, тўй ва азаларда катта-катта қозонларда ош беришни ўзларига гўё бурч сифатида қабул қилиб олганлар. Кимдир бевақт вафот этса, «эҳ, бечора тўйлар қилиб, юртга ош бера олмади» деб армон қилинишида ҳам шу маъно бор.

Азалардан етти, йигирма, қирқ, йил ошлари бериш динимизда йўқ. Уларнинг қаердан пайдо бўлганлигини ҳеч ким айтиб беролмайди. Ҳеч ким буларнинг маъносини ҳам тўлиқ тушуниб етмаган. Бирор уламо, илмий ходим ёки илоҳиётчи, ё эл билимдони булар ҳақида асосли, илмий маълумот ҳам эълон қилган эмас. Гаплар, тушунтиришлар жуда юзаки.

Ҳозирги кунда халқимиз ўртасида маълум чегарада табақаланиш жараёни содир бўлаётганида айрим пулдорларнинг маросимларида даста-даста пулларнинг сочилиши, дастурхонлар спиртли ичимликлар билан ким ошарга, кўз-кўз қилиб, тўлдириб ташланаётганлиги, ёки бор-йўғи битта ўғли бўлса ҳам бир неча саройдек данғиллама кошоналар қураётганликларига қарамай, улар ўз миллатпарварлик ғояларидан воз кечмаганлар. Ҳатто, бу йўлда улар жон олиб, жон беришган, қурбон бўлишган. Улар истаган замон келди.

Даврлар ўзгарди. Бир пайтлар зиёлиларимиз орзу қилган озодлик, истиқлолга эришдик.

Ҳозирги кунда миллат ривожида зиёлилар қандай ўрин тутяптилар? Кўп одамлар билан дилдан суҳбатлашаман. Лекин бу масалада тўла қониқиш ҳиссини туйиш қийин. Элпарвар инсон Алихон Тўра Соғуний шундай деган эканлар: «Ўзбек халқи эрталабки ошга уюшгандек кундалик ҳаётда жамоат жам бўлганида эди ҳеч вақт ҳеч кимга қарам бўлмаган бўлур эди». Бу қисқа, фалсафий гап қандай чуқур маънога эга. Ҳали ҳам жамиятимиздаги ислоҳотларни амалга оширишда четда турган бефарқ совет даврларини қўмсаб, фақат Россия газета журналларини ўқиб, телевидениесини кўриб, урф-одатларимизга лоқайд қараб турган зиёлиларимиз оз эмас. Лекин бундай томошабин бўлиб туриш охир-оқибат кимга фойдаю кимга зиён?

Халқимизнинг ижобий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тарихий урф-одатларни, анъаналарни замонавий руҳда ёритиб, айни пайтда жамиятимиз ривожига, тарбияга салбий таъсир қилувчи одатларни ҳам илмий асосда матбуотда тез-тез таҳлилдан ўтказиб туришимиз зарур. Айниқса, зиёлилар ўртасида учраб турадиган «шароитга қараб мослашиш», маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик ва маънавий-ахлоқий қусур – бузуқликни инсоннинг тарбиясига, руҳиятига салбий таъсир қилиши, фарзандлар ва зурриёдларга ҳам ёмон ибрат эканлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Бир ҳақиқатни аниқ билишимиз зарурки, жамиятимиз демократлашиб, бозор иқтисодиётига борган сари чуқур кириб бораверади. Бу жараённинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Ҳалол меҳнат қилиб пул топувчилар учун исроф-гарчилик, «бойваччалик»ни энди замон кўтармайди. Фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлиги, таълими учун ота-оналаримиз мутасадди бўлишлари билан бирга моддий томондан ҳам давлатимизга ёрдам беришлари зарур. Бунинг ўрнига, афсуски, ҳанузгача катта тўй-томошалар, азаларда хўжакўрсинга юзлаб, минглаб одам чорлаб ош бериш одатидан ҳали қутила олганимиз йўқ. Менимча, бу нарсалар энди сира замонга, ақл-фаросатга сиғмай қолди.

Шундай мамлакатлар борки, уларда ота-оналар болаларининг ёшлигидан бошлаб, унинг соғлиги ва таълими учун оз-оздан маблағ тўплай бошлайдилар. Вақти-соати келганда эса ўз ўрнида ишлатадилар. Биз ҳам булар ҳақида ўйлайлик ва амалий ишларни режалаштирадиган даврга етиб келганимизни эсдан чиқармайлик.

Ҳеч ким, албатта, тўй, таъзияга қарши эмас. Инсон бор экан, ҳаёт бу нарсаларсиз мумкин эмас. Лекин ҳаммаси маълум чегарада, ихчам, маданий бошқаларнинг ғашига тегмайдиган меъёрда бўлгани маъқул.

Бадавлат ҳамюртларимиз маблағларидан бир қисмини кам таъминланган оилаларга, боғча, соғликни сақлаш шоҳобчаларига ва ўқув юртларига холисона ажратсалар, қўйнидан тўкилса, қўнжига дейилганидай бундан эл-юрт қанчалар манфаатдор бўлади. Рўшнолик остоналардан остоналарга ўтади.

Кундалик ҳаётимизда баъзан ўша «ўзбекчилик» панд бериб қўяётганига кўпчилигимиз гувоҳ бўламиз.

XXI асрда ўзбеклар ўзларининг энг яхши шарқона маънавияти ва ғарбликларнинг технологиясини уйғунлаштирган ҳолда эзгу фазилатини камол топтиришларини истар эдик.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ,
Парида НУРМАТОВА

Қадр

ИКРОМ ҚЎРСАТИБ

2 феврал куни Тошкент Давлат халқаро дипломатия университетида таниқли файласуф, устоз олим Кўчқор Хоназаровнинг 80 ёшга тўлганлиги муносабати билан юбилей кечаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири, мазкур университет ректори Абдулазиз Комилов фалсафа, таълим ва фан соҳасидаги узоқ йиллик самарали Кўчқор Хоназаровни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирлаш ҳақидаги Президентимиз Фармонини ўқиб эшиттирди ва ушбу орденни тантанали равишда топширди. Йиғилганлар бу бу юксак эътибор, улуғвор эҳтиромни самимий кутиб олдилар.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг вакили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халиловнинг ҳурматли олимимизга йўллаган табрик хати билан таништирди.

Кечада юртимизнинг бир неча олий ўқув даргоҳлари ректорлари, нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, олимнинг дўстлари табрик сўзларини айтиб, Кўчқор Хоназаровнинг ҳаёт ва фаолият довонлари, инсонийлик фазилатлари ҳақида самимий кўтаринкилик билан гапирдилар.

Катта билим ва тажриба соҳиби Кўчқор Хоназаров бугунги кунда ушбу университетда педагогик фаолиятини давом эттириб, кўплаб шогирдларга устозлик қилаётганини қувонч билан тилга олдилар.

Дунёга таниқли адиб Чингиз Айтматов йўллаган табрик мактуби юбилей кечасига янада завқ бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Даврлар, мутафаккирлар, таълимотлар

ФИКР МАЙДОНИ

«Муҳими – донишмандлик: доноликка эга бўл Ва бутун борлиғинг билан ақлни эгалла».

Донишманд Сулаймон (эрамиздан олдинги X аср)нинг бу сўзларини сиёсий-ҳуқуқий фикрнинг уч минг йиллик тарихига тааллуқли дейиш ўринлидир.

XXI аср ақлнинг изчиллиги ва изланувчанлигини талаб қилади. Фаранг тарихчиси Марк Блохнинг фикрича, истиқболни кўра олиш учун «тарихни титкилаш керак, аммо тарихни тўғри титкилаш лозим».

Албатта, ҳар бир сиёсий-ҳуқуқий таълимот алоҳида китоб бўлишга лойиқ, аммо бизнинг ислоҳотлар кечаётган тезкор замонамизда мухтасар баёнларга ҳам эҳтиёж бордир. Шунинг учун биз у ёки бу таълимотлардаги фикрларни долзарблаштиришга интиламиз, бир муаллифга ёки сюжетга такрор мурожаат қиламиз. Шунингдек, газетамизнинг ўтган сонидан берила бошлаган ушбу рукнда биз мозийдаги таълимотларнинг замонамиз учун зарур бўлган сабоқларини ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Эҳтимол, биз учинчи минг йиллик ибтидосида ўз ўтмишимизни изчил ўрганармиз ва олдимизда турган, бизни довдиратиб қўяётган муаммоларимизни борлиқнинг янги мезонлари ва ўлчовлари асосида ечиш имкониятига эга бўлармиз.

Гегелга кўра, барча ҳаққоний нарса оқилонадир ва барча оқилона нарса ҳаққонийдир. Бизнинг рукнимизда сиёсий-ҳуқуқий, давлатий тафаккур ғояларининг очерклари берилиб борилади. Давлатни соф юридик тарзда барпо этиш ғояси (ғарб андозаси) ҳам оқилонадир. Конфуциёна ахлоқий ибтидонинг устуворлиги ғояси ҳам донишмандонадир.

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи демократия фойдасига онгли қарорлар қабул қилишда кўмаклашади.

Сиёсий таълимотлар тарихи ҳуқуққа давлат томонидан рухсат этилган, тартибга солинадиган ва ҳимоя қилинадиган ҳамма учун мажбурий қоидалар, ахлоқий меъёрлар мажмуи сифатида ёндошади. Ҳуқуқ инсонни унинг барча ҳаракатларида кузатади. Шунинг учун нафақат юриспруденция тарихи, балки ҳуқуқнинг назарий концепциялари ва қонунчилик тарихи ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади.

Дунё тан олган кўпгина улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш, наҳотки, мумкин эмас...

Мана, мисол учун, Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак фойдадан холи бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

ТАРИХ

Бизни сиёсий-ҳуқуқий фикрнинг кўп асрлик ҳаракати қизиқтиради, миллий давлатлар ва ҳуқуқий тизимлардаги халқ ва ҳокимият муносабатлари тарихини ўрганиш фойдалидир. Зеро, тарихий ўтмишимиз бугунги ҳаётимизга фаол аралашмоқда, мозий бугунни сўроқламоқда.

Ҳокимият англашдан бошланади, у **куч, бойлик ва билимнинг бирлашувидир.**

Жамият томонидан қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш учун тегишли ваколатлар берилган кишиларнинг фаолияти **сиёсат** аталади.

Сиёсат ҳодисаларининг назарий ишланмалари қадимги муаллифлар томонидан полис-шаҳарлар тажрибалари мисолида яратила бошланганди. Улар ҳали **давлат** деган атамани билмас эдилар. Бу атама 1500 йил ўтгандан сўнг (**Макиавелли** томонидан) илмий майдонга киритилди.

Давлат, сиёсий тизимнинг асосий институти ўлароқ, ўз назариясига, андозаларига ва ўз тарихига эгадир; у тарихий шаклланган ижтимоий организм бўлмиш синфий жамиятни ташкил этиш шаклига айланди. Янги замон «**давлат**» ва «**сиёсат**»ни аниқ фарқлаб кўрсатади. Бизнинг давримизда иккинчиси биринчисидан кўра кенгроқ кўлам касб этади, гарчанд давлат кўплаб муассасалар, идоралар, институтлар ва ҳоказолар мажмуидан иборат бўлса-да.

ЗАМОНЛАР

Халқ ва давлатнинг тарихи, улар сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг тарихи ўзининг даврий мезонларига эгадир. Юнон мутафаккири Гесиод (эрамиздан аввалги VIII-VII асрлар) тарихий вақтнинг тезкорлигига, унинг тез алмашинувига эътиборни қаратган эди. Сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиёти ҳам замонларда кечади – Қадимги давр (Қадимги Вавилондаги Хаммурапи қонуни эрамиздан аввалги VIII асрга тааллуқлидир), Антик давр (Қадимги Юнонистонда давлатчилик эрамиздан аввалги биринчи мингйилликда барпо этилган). Қадимги Рим сиёсий-ҳуқуқий тафаккури тарихи бутун бир мингйилликни ўз ичига олади. Инсоният тарихининг насроний концепцияси ҳам ўз ибтидоси ва интиҳосига эгадир.

Ғарбий Оврўпо тарихида Ўрта асрлар ҳам қарийб мингйиллик даврни (V-XIV асрлар) эгаллади.

Ғарбий Оврўпода кеч ўрта асрларнинг энг улкан ҳодисалари Уйғониш, Реформация эди. Сиёсат тўғрисидаги фаннинг ижодкори бўлган буюк мутафаккир Н. Макиавелли «порлоқ юлдуз» аталгандир.

Янги давр – капитализмга ўтиш замонидир.

Бу даврда сиёсий тафаккурнинг ёрқин намояндалари пайдо бўлди.

XX асрнинг сиёсий ва ҳуқуқуий таълимотлари алоҳида бир босқич бўлди.

«Инсониятнинг ўзак даври»га (К. Ясперс), албатта, Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ҳам ўз улушини қўшган. 3000 йиллик тарихимиз давомида сиёсий фалсафада кўплаб сезиларли ютуқлар мавжуд.

Илмий билимларнинг кейинги мумтоз хулосалари ижтимоий тараққиётда «**орқага юриш**»ни, «**акс жараён**»ни таҳлил этишни тақозо этмоқда. Гап, хусусан, шу тўғрисида бормоқдаки, ўтмиш сиёсий тафаккури ғоялари ва тушунчалари интеллектуал ҳаётига, исломий ва ҳуқуқий маданият қадриятларига **қайтиш** юз бермоқда. Арастунинг «ўрталик» борасидаги ғоялари бугунги Ўзбекистон учун долзарб бўлади, деб ким ҳам ўйлаган эди?! «Ҳуқуқий давлат», «фуқаролик жамияти», сиёсатдаги ахлоқ борасидаги фикрлар ҳам олисдан қайтмоқда.

МАКОН

Фикр майдони — бутун олам: Машриқ ва Мағриб халқлари ҳам, Шимолу Жануб эллари ҳам. Сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётига барча халқлар дахлдордирлар.

Гротсий ва Спиноза XVII аср Ҳолландиясини оламга машҳур этдилар. XVII асрдаги инглиз инқилоби Гоббс ва Локк исмларини абадийлаштирди. Фаранг Маърифати буюк мутафаккирларни етиштирди. Олмония тафаккур даҳолари — Кант ва Ҳегелни юзага чиқарди. XX аср интиҳосида австриялик мутафаккир Л. Гумплович машҳур бўлди. Ф. Достоевский, В. Соловьёв, Л. Толстой, Л. Петражитскийнинг фалсафий ғоялари бутун оламга машҳур бўлди.

ТАЪЛИМОТЛАР

Сиёсат ҳар кунги хавотир ва ташвишлар, курашлар ва фитналар, манфаатлар ва эҳтиросларнинг тўқнашувига йўғрилгандир. Ҳокимият ўзида муқаррар ёвузликни ҳам, эзгуликни ҳам мужассам этади.

Фалсафа сиёсат билан келишиши мушкулдир. Зеро, Афлотун айтганидай, **фалсафа ўткинчи банданинг абадийликка интилишидир;** бу — руҳнинг юксак ҳаёти ва фикрнинг хотиржам равшанлиги. Афсуски, сиёсат ё сиёсий фалсафага умуман эътибор бермайди, ёки ўтмишни ўз сиёсий мақсадларига «мослаб» олади. Сиёсатчилар кўпинча тафаккурнинг икки мутаассиб кўринишига — **утопизмга** ёки **макиавеллизмга** бериладилар.

Юнон тилидан таржима қилганда **«утопия»** сўзи «йўқ жой» деган маънони билдиради. Бу — идеал, эришиб бўлмас ижтимоий тизим, давлат. Инглиз ёзувчиси Томас Мор томонидан XVI асрда («Утопия» романи, 1516 йил) илк бор ишлатилган бу атама ўшандан буён турли-туман хаёлий ва амалга ошмас лойиҳаларга нисбатан ишлатилиб келинмоқда; мумтоз намуна тариқасида Кампонелланинг «Қуёш шаҳри» асарини кўрсатиш мумкин.

Ўшандан буён ўз фикрининг равшанлигини таъкидлашга мойил сиёсатчилар ўзларига самарасиз туюлган ҳар қандай нарсани киноя билан: «бу — утопия», — деб атайдилар. Албатта, утопиялар буткул реал манфаатларга таянадиган амалий сиёсатга эш бўлолмайди. Аммо фалсафа утопияларсиз кун кўролмайди. Коммунистик мафкура ҳам орзулар ва хомхаёллардан холи эмасди. Утопик сиёсий қурилмаларда фикр амалий ҳаётдан шу қадар устуворликда ва юксакда турардики, сиёсат мавҳумликка, хаёлга айланиб кетарди. Утопиялар ўз мақсадлари йўлида турли зулмсиз ва зулмкор воситалардан фойдаланадилар.

Макиавеллизм — сиёсатга хизмат қиладиган, унга бўйсундирилган, бутун қаллобликлари ва қилвирликлари билан, сиёсатчиларининг шафқатсизлиги ва маккорлиги билан сиёсатга итоатда бўлган фалсафий тафаккурдир.

Фалсафий тафаккур тарихда тинимсиз алмашиниб турган сиёсий-ҳуқуқий қурилмаларни яратиб боради. Улар бир-биридан ўзининг турли талқинлари ва вақтинчалик ниқоблари билан фарқланади. Гарчанд алоҳида таълимотлар пайдо бўлган мамлакатлар ва замонлар фарқланса-да, уларда бир-бирини боғлаб турувчи ришталари, ғояларни, умумий чизгиларни топиш мумкин.Сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тарихи бизни нафақат давлат, сиёсат ва ҳуқуқнинг ўз даврини ўтиб бўлган ғоялари билан таништиради, балки у бизни умуминсоний онгнинг абадий барҳаёт унсурларига ҳамдам этади.

Таълимот, назарияни ўзаро боғлиқ бўлган тахминлар, қоидалар ва тушунчаларни ифодалаган таъкидлар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин. Назария билан яқинликда мафкура туради. Мафкура — муайян ғояларни, қадриятларни ва фактларни қамраб олади.

Сиёсий назария — бу кишиларнинг ҳокимиятга келиши ва ундан фойдаланишига доир таъкидлардир, у ҳокимият тақсимланишининг талқинини беради.

ТУРЛИ-ТУМАНЛИК

Тарихда алмашиниб турган сиёсий-ҳуқуқий назарияларни ўргана туриб, биз давлатдаги муайян шароитларга ва индивидуал ижодкорликнинг ўзига хосликларига боғлиқ бўлган улкан турли-туманликни кўрамиз. Қадимги хитойликлар бизнинг давримиага ўхшаш оғир руҳий босим замонини қизиқарли замон ҳисоблаганлар. Шу даврдан қолган бир ибора ҳам мавжуд: «Худо қизиқарли замонда яшашдан асрасин», — дейишади.

Бутунжаҳон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи — концепцияларнинг ададсиз мажмуидир.

Мутафаккирлар жамият табиати тўғрисидаги турли тасаввурларга асосланганлари туфайли уларнинг сиёсий назариялари бир-биридан фарқ қилади.

Акмал САИД

---

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни

БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ВА ФИҚҲ ИЛМИ

Темурийлар давлатининг давомчиси бўлмиш бобурийлар сулоласи, Соҳибқирон Темур, унинг аъёнлари ва давлат бошқарувида хизмат қилиб келган буюк сиймоларга хос бўлган барча хусусиятларни кўпинча сақлаб, ўзларида мужассамлаштириб келганлар.

Ҳам темурий ва бобурий шаҳзодалар илму адаб ҳомийлари сифатида донг таратиб, фан ва санъат соҳаларини кенг кўламда ривожлантиришга унутилмас ҳисса қўшган.

Ҳар икки сулоладан чиққан иқтидорли олимлар, санъатчи ва санъатшунослар, адиб ва шоирларни санар бўлсак, шарқ ислом мамлакатларида уларга ушбу нуқтаи назардан тенг келадиган бирон-бир бошқа сулолани учратмаймиз. Шу боис доктор З. Сафо «Эронда адабиёт тарихи» номли китобида қуйидагидек фикр билдирган эди:

«Барча темурий шаҳзодалар табиатан санъатсевар ва илмдўст яратилган деб ўйлайсан». Унинг таъкидлашича, XVI асрда форс тили ва адабиёти инқироз бўсағасига етиб борган бир пайтда уни бобурий шоҳлар ва шаҳзодалар ҳам ҳимоялари, ҳам ижодлари билан инқироздан қутқаздилар. Унингча ушбу хусусиятларни улар буюк темурийлар давлати асосчиси иқтидорли саркарда Амир Темурдан олганлар. У катта давлатга асос солишидан ташқари илму санъатга нисбатан қизиқишни ҳам ўз авлодларига талқин қилиб, мерос қилиб қолдирди.

Темур асос солган буюк давлат адолатга таянган бир тузумдир. Темур тузукларининг асосини ташкил этган ҳуқуқий нормалар, қимматли қонунлар ва давлатда қонун устуворлигига қаратилган меъёрлар бунинг яна бир далилидир.

Ҳусайн Бойқаронинг сафдоши ва бош вазирининг асарларини кўздан кечирганда барча илму фан, айниқса, фиқҳ илмига қизиқишини яққол кўрамиз.

Шунингдек, Улуғбек даврида қурилган жоме масжидлардан бирида пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадислари чиройли услубда ёзиб қолдирилган. «Ман юридил лоҳу биҳи хойран юфаққиҳуҳу фиддин» яъни, Аллоҳ ҳар кимгаки эзгулик истаса, уни дин бўйича фақиҳ (ислом ҳуқуқи олими) қилади.

«МУБАЙЙИН» РИСОЛАСИ

Темурийлардан кейин бобурийлар даврида ҳанафий мазҳаби Ҳиндистон мусулмонларининг расмий мазҳаби сифатида ўз такомилига давом берди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат ушбу мазҳабнинг тарқалиши ва ривожланиши учун шароит яратиб берди ва ўз фарзандларини бу йўналишда тарбиялади, балки шахсан ўзи ҳам ундан кейин, унинг авлодлари бу йўлда устувор қадамлар қўйдилар.

Бобур Мирзо фиқҳ илми (ислом ҳуқуқшунослиги) бўйича кенг маълумотга эга бўлиб, бу соҳада таълиф ва тасниф этишда салоҳиятли эди. У ёзган «Мубаййин» номли манзумани кўздан кечирадиган бўлсак бу ҳақиқатни яққол кўрамиз.

Тақрибан 2000 байтни ўз ичига олган «Мубаййин» манзумаси Бобур Мирзо ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Камрон Мирзога ислом таълимоти ва фиқҳ илмини ўргатиш учун ёзилган. Муаллиф асарнинг муқаддимасида китоб назмининг сабабини қуйидагидек баён қилади:

Билгасен эй хужаста пай фарзанд,
Жигарим бирла жоним пайванд,
Масъалаларки ул зарур эрди,
Билмасанг дининга қусур эрди.
Етти кўнглумгаким йиғиштирсам,
Назм тартибида сиғиштирсам.
То ани забт қилғосен осон,
Ул масоилни билгосен осон.

Бобур ушбу рисолада ислом дининнинг бешта аркони (тавҳид, намоз, рўза, закот ва ҳаж фаризалари)ни барча қонун-қоидалари ва жузъиёти билан очиқ мисоллар ёрдамида бир дақиқ ва фиқҳ илми бўйича мутахассис олим (фақиҳ) сифатида ёритиб ўтади ва ҳуқуқуллоҳдан иборат бўлмиш мазкур рукнларнинг аҳкомини тушунтиради.

Асарни ўқиган киши муаллифнинг бу қадар кўп қиррали маълумотига ҳайратланади. У Қуръон оятлари ва фиқҳий масалаларга доир ҳадисларни яхши ва чуқур тушунган.

Муаллиф асарни ислом дининнинг асоси бўлмиш эътиқодий масалаларни ёритиш билан бошлайди. Ҳанафий мазҳабига асосланган Мотуридия калом мактаби асосида «муъман биҳ»лар (уларга иймон келтириш зарур бўлган олтита масала)ни изоҳлаб ўтиб, иймонни ҳанафия ақидавий қоидаларига мувофиқ таърифлайди:

Муъманун биҳга ким бўлур таҳқийқ,
Қилғай икрор тил, кўнгил тасдийқ.

Сўнгра олтита муъман биҳнинг ҳар бирини алоҳида ёритиб ўтиб, кабира гуноҳларга қўл уриш билан мусулмон киши кофир бўлмайди, инсон ҳар доим хавфу рижода (қўрқув ва умидда) яшаши кераклигини таъкидлайди.

Ундан кейин ҳақнинг субутий сифатларини изоҳлаб ўтиб, анбиёлар фазилатлари, Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг афзаллиги, мўъжиза ва кароматнинг фарқлари, истидрож ва бидъатчилар томонидан кўрсатилган хаворики одот (одатга хилоф бўлган фавқулодда ишлар)ни шарҳлаб ўтади:

Мубтадиъдан хаворики одот,
Зоҳир ўлса билинг недур анга от,
Бордур ул макр ёхуд истидрож,
Шаръдин айлангиз ани ихрож.

Бобур аҳли қибла бўлмиш аҳли сунна вал жамоа мазҳабларини танитиб ўтиб бундай дейди:

Тангридин бизга кўп латифадурур,
Муқтадомиз Абу Ҳанифадурур.

Абу Ҳанифа мазҳабининг қулайлиги ва кенг имкониятларига бундай ишора қилади:

Тангрига шукрлар дейинг яксон,
Қилди бизларга ишни ул осон.

Бобур рисоланинг охирида манзумани ёзишдан унинг мақсади шоирлик маҳоратини кўрсатиш эмас, балки ҳақ йўлида хизмат қилиш эканлигини қуйидагидек билдиради:

Бу демакдин ғараз ҳақ эрдию бас,
Шеъру шоирлик эрмас эрди ҳавас.

Бил тўқуз юз йигирма саккиз эди.
Фиқҳда Бобур ушбу назм деди:

Уламодин будур менинг тилагим,
Кўллағайлар бу иш аро билагим.

«Мубаййин» манзумаси Саидбек Ҳасанов, Ҳамидбек Ҳасанов тайёрлаган матн асосида Тошкент ислом университети ва Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи нашриёти томонидан 2001 йил нашр қилинган.

«ФАТОВОИ ОЛАМГИРИЙ» *(«Ал-фатово-алҳиндия»)*

Фиқҳ илми бўйича Бобур изидан бориб, бу фанга қизиққан бобурийлардан бири Шоҳжаҳоннинг ўғли Аврангзеб Оламгир эди.

Мисрлик олим доктор Аҳмад Шалабий ўзининг «Ислом тарихи ва маданияти қомуси» номли 8 жилдлик китобининг 8-жилдида унинг ҳақида қуйидагидек фикр билдиради:

«Аврангзеб даврнинг буюк олимларидан илм ўрганиб, ўз илмига амал қилиб келди. Ҳеч қачон маст қилувчи ичимлик ичмади, олтин ва кумушдан ясалган идишлардан овқат емади. Энг олий мусиқа истеъдодига эга бўлса ҳам амалда рақс мажлисларида ўлтирмади. Ҳиндистон мусулмонлари уни ушбу илмият ва тақвоси асосида авлиёлар ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

У адолатни таъминлаш мақсадида ҳар неча кун бир марта, ҳеч қандай парда ва тўсиқсиз ўлтириб шикоятларни эшитарди.

Унинг даврида масжид, мадрасалар кўпайиб, кўп етимхоналар ва работлар қурилди. У катта олим бўлиб, кўп қирали маълумотга эга эди».

Аврангзебнинг махсус ҳидоят ва буйруғига биноан араб тилида «Фатовойи Оламгирий» номли буюк ҳуқуқий мажмуа ёзилди. «Ал-Фатово ал-ҳиндия» номи билан шуҳрат қозонган ушбу ҳуқуқий кодекс бобурийлар даврининг машҳур 24 та фақиҳларидан ташкил топган бир илмий ҳайъат иштирокида Шайх Низомиддин Бурҳонпурий раҳбарлигида ёзилиб, унда фиқҳий ҳукмлар классик услубда тартибга солинган.

Ҳиндистонлик тадқиқотчи олим Азиз Аҳмад фикрича, ушбу асар ниҳоят мўътабар ва ишончли бўлиб, унда ҳанафий мазҳабининг классик фиқҳий мажмуаларига таянилган. «Фатовойи Оламгирий» урду тилига таржима қилиниб, 1889 йил Лакнавда нашр этилган. Асарнинг арабча матни Мисрда ва 2000 йил Ливан – Байрутда 6 жилдлик қилиб нашрдан чиқарилган.

Фирдавс Файзуллоҳ чизган сурат

«Фатовойи Оламгирий» 4 жилддан иборат бўлиб, уч ярим минг бетни ўз ичига олади. Унинг кўп қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инс-титути кутубхонасида сақланаётган бўлиб, турли даврларда турли котиблар томонидан кўчирилган.

Бу китоб энг муҳим ва мўътабар фиқҳий асарлар ва фатоволар асосида ёзилиб, ҳукмларни танлашда замон талаби ва давр тақозоси назарда тутилган. Манбалардан «ал-Ҳидоя» ва унинг шарҳлари, айниқса «ал-Айни», «Фатҳул-қадир», «Ал-Кифоя», «Меърожуд – дироя», «Ан-Ниҳоя», «Шарҳул-виқоя» каби китоблардан, Фахрулислом Қозихон ёзган «Фатовойи Қозихон», Абулайс Самарқандий ёзган «Хизонатул-фиқҳ» жами олтмишга яқин китобдан фойдаланилган.

Бу асар ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олиб, Абу Ҳанифа томонидан мустақил фан сифатида ажратилган мерос масалалари ҳам тўртинчи жилднинг охирида «Китобул-фароиз» сарлавҳаси остида муфассал берилган.

«Фатовои Оламгирий» 58 китобдан иборат бўлиб, ҳар китоб турли боблар ва фаслларга бўлинган. Боблар сони 700 га етиб боради. Ҳар бобда бир муайян соҳага тегишли бўлган ҳуқуқий муаммолар ечими кўрсатилган.

Асарнинг ўзига хос бир хусусияти шундан иборатки, Ҳиндистон мусулмон жамоасининг ҳаётий зарурат ва талабларидан келиб чиққан ҳолда турли соҳаларда амалий ҳаётга катта эътибор қаратилган. Масалан, тўртинчи жилдда «Китобул-маҳозир вас – сижиллот»да 15 «маҳзар» мисол тариқасида қозилар учун йўлланма сифатида берилган. Яъни муомалот, қарз олиш, қарз бериш, ширкат тузиш, даъвони юритиш бўйича ҳуқуқий меъёрларга мослаштириб амалий кўрсатмалар берилади ва суд томонидан чиқариладиган қарорлар учун намуналар кўрсатилади. Фатовода «Китобул-ҳиял» 29 фаслни ўз ичига олган, унда ҳилаи шаръиянинг турлари, яъни қонун нуқтаи назаридан ҳал қилиниши мураккаб бўлган айрим муаммоларни шариат принципларини бузмасдан қандай ечиш мумкинлиги кўрсатиб берилади.

Абдулҳаким Шарҳий ЖУЗЖОНИЙ,
Тошкент ислом университети Фиқҳ кафедраси мудири

БУҒДОЙРАНГ ОТЕЛЛО

Негадир Шекспир қаҳрамонларидан бири – Отеллони қора танли одам деб англайдилар. Ҳолбуки, қора танли негр-ҳабашлар тарихан денгизчи халқ бўлмаган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Шекспир ўзининг песасига тимсол қилиб олган денгизчи италиялик Маврито Отелло деган шахс бўлиб, муаллиф асарда «ито» қўшимчасини тушириб, оммалашган «мавр» деган сўзнигина қолдирган. Европаликлар арабларни илгари мавр-лар деб аташган. (Кейинги замонларда Африканинг шимоли-ғарбида ҳатто Мавритания деган араб давлати ҳам вужудга келди). Араблар ҳам италяннлар каби ашаддий денгизчи халқ бўлган. (Масалан, ҳозирги «адмирал» унвони арабча «амир ал-баҳр» – яъни «денгиз амири» деган сўздан келиб чиққанлиги бунинг далилидир). Шуларга суянган автор фантазияга берилиб кетиб, Отеллонинг онасидан қолган рўмолча ривоятини ҳам песага киритиб юборади.

Умуман, европаликлар нафақат кишининг тани қоралигидан, ҳатто фақатгина қош-кўзи қора бўлган одамларни ҳам ҳали-ҳануз «қоралар» деб аташади.

Бинобарин, Отелло араблар сингари буғдойранг, нари борса, қорамағиз бўлиши мумкин.

Хуллас, бизнинг театрларда Отелло ролида чиқадиган артистларнинг юз-қўлига қоп-қора грим чаплаб чиқишига ҳеч бир эҳтиёж йўқ.

Шарафиддин КЎНЧИ

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ТУРУНГЛАРИ

БУВАМНИНГ ҲОВУЗИ

Чўпиё илдам эрур,
Гурунгни йўлдан терур,

– деб «мактаб йўли» бўйлаб келур эдим. Ўнтача ўсмир болакайларнинг йўл четида пана жойга бош уриб, ўртадаги нимагадир «қани-қани» деб турганини кўрдим. «Бизим жужуқлардан ҳам бунда йўқмикин?» деган хаёлда тўхтаб, сўзларига қулоқ тутдим: «Хўроз уруштиришяптимикин ё ўзлари жўжахўрозлик қилишяптими?» дедим ўзимга. Овозлар баланд оша бошлади:

– Ўў, кечагидан ҳам каттайиб кетди-ю!

– Қойи-ил, тортишини қара!

– Ээ, ҳозир пақиллайди!

– Сал нари турларинг.

Болакайлар бирдан бараварига «ўўў!» деб юборишди. Ва яна кейинги «раунд»ми бошланди.

– Қани, энди сен келтир-чи, – деди улардан бири. Тўдадан бирови икки-уч қадам берида устма-уст ташланган папкаларни ағдариб бир папка ичидан ўроғлик нарсани олди ва яна тўдага қўшилди. Овозлар баландлади:

– Бақбақаси зўру!

– Жа топасан-да.

– Бувангни ҳовузига тушдингми дейман!

– Боғлаб боққанмисан, «Эдик»!

– Қани, сигаретни узат, «хонимпошша» кутиб қолдилар.

– Хўш, сизга қанақасидан?

– «Хонимпошша»га «заказной» – «Хон», ма!

– Бунақа қараманг, сиззимас, сигаретни тутатяпман. Ҳозир ёрилгунча чекасиз!..

Бу сўздан мундоқ тўдада бизим жужуқлар йўқлигини англадим. Йигитчалар «томоша»дан сўнг папкаларини тоққа ўрмалайдиган алпинистлар каби орқасига ила бошлади. Мен аларнинг не деганларини ҳангома учун қулоққа илмоқ ила овора эдим:

– Тез бўлларинг, кечқурун Нозларникига боришимиз керак.

– Ҳў, «Майкл», кассеталарни унутма, оборасан-а?

– Нозга бериб қўйганман.

– «Танца» тушадигани кўпми?

– «Танца»сиз туғилган кун бўларканми?!

– Ноз зўр, «светамузика» қилиб қўяди.

– Қизларимизнинг ҳаммасиям кетворган. Танца тушмагунча билмаган эканмиз-а?

– Шуни сани билсин деб чиқарган-да, билмасвой. Бўлмаса, ўз-ўзингдан қизларнинг белига қўлингни чўзиб кўр-чи эдинг?! Мана, шу баҳона ҳамма нарсагаям қушдай ўрганишяпти.

– Э, манга қараларинг, бирдан сани бувангга ўхшаган бирор дононинг гапи билан танца туширимай қўйишса-чи, нима қилардик-а?

– Нафасинг совуғ-а?

– Авваллар ҳеч ким тушмагану дейишса-да.

– Йил санайверма, бунақада Беруний бўп кетарсанов! Ундан кўра мундоқ бувангни ҳовузидан чиқиб замонни санасанг бўларми-ди.

– Лично ман... шартта уйланардим!

– Нозгами?

– Жиннимисан, «мактаб» кўрмаганига. Рост-да, йигит пўскалласини гапираги, мана ўзинг айт, аданг ойингни танца туширадими? Йўқ-да. Кеннойингничи?

– Вот где масала кўндаланг лежит?

«Бир номаъқул жойи бордирки, туширмас, болагинам, – дедим ичимда».

– Лекин тушмай юрганга «ничего», битта анави «профессори»имизга мазза бўларкан-да. Қачон қарасанг, дарсга ҳамма китобни кўтариб келадией.

– Шу папка деганиям оғир-да, шуни битта блокнот қилиб олиб юрса бўлмайдими-а?

– Кассета деган. – Ана топдинг!

– Э, сигарета пачкасидай бўлса-чи, ўнта китобни «донабай»лаб қўйса?

– Калланг зўр ишлайдиа, гениймисан дейман. Соч-почингга эҳтиёт бўлгин.

– Папкангда битта китоб борми ўзи?

– Нима, тў-ўртта дафтар бор! Ма, кўтариб юргин, савобга қоласан.

– «Профессор»нинг папкасига солиб қўймабсанда, аллақачон уйингга борарди, қўшнисану.

– Қани, «хонимпошша»лардан қолганини биттабитта олайлик-чи. Қўрқма, ёрилмайсан.

– Ээ совғачилар, йўл-йўлакай кечқурунга «Хон»га қўшиб «Пайн» олишни унутмаларинг. Кўпроқ бўлсин, тағин ўтган галдагидай тонгда тугаб қолмасин, чалакайф қилиб.

– Бугун кетасанларми ўзи, мен кетдимей. Ойимнинг ўрнига бозорга боришим керак.

– Эҳтиёт бўл, тағин бозорчи қизларга илакишиб қолиб кетмагин. Барибир бойвуччалар сен билан танца тушмайди.

– Қолмайди, биззи Толик вафодор, «танца» десангчўккан жойидан ҳам чиқади.

– Чўртан дегин.

– Фақат бугун бувангнинг ҳовузига чўкиб кетма, акула бўлсанг ҳам чиқолмайсан, укдингми?

– Намунча «бувамнинг ҳовузи, дадамнинг ариғи» дейсанлар?

Танцага чўкларинг, ҳаммаси момент қуриб кетади!

– Оо, ақлингга қойилман-да, Босс!

– Бугун сендай «доно»нинг саломатлиги учун момент ичиш керак!

«Ё тавба, – дедим ичимда, на бир йигитча, на бир болакай бир-бирини ҳеч ўз оти билан айтмайди-я? Саксонга етганда ҳам бир-бирини шундоқ аташадирми?»

– Ие, мулла Толиб, анави турган оқсоқол бувангми-а?

– Магнитофон деган, уйига бориб «японский» кассетани қўйворади энди!

– «Эҳо»сини ўзинг қўшарсан-а? Даданг ёрдамлашиб юборади. — Оббо, чолни кўриб бувамлайвермаларинг, биззи оқсоқол қачон қарасанг ҳовузга ўралашиб юради, уйда.

– «Пляжи»га дегин.

– Қани кетдикми «чўртан»лар, «пляж» ҳақида ёзда гаплашамиз.

...Аларнинг орқасидан қараб турдим, «алпинист»лар ойнаи жаҳонда бир кўзим тушган рекламадаги кашанда алпинистга тақлид қилганча боришарди.

Дарвозадан ҳовлига киришим билан «бувам келдилар» деб аскарлардай югуришиб чиққан невараларга қанд-қурсдан сўнг ҳалигина дўкондан олганим «Мен генерал бўламан» номлиғ китобни узатдим. Сўнгра:

– Биз келди-ик, генералларнинг бувиси, – дедим невара-қизнинг сочига сочпилик тақиб ўтирган Ойпошша бувингизга ичкари кирарканман.

ЖЎЯЛИ МАСЛАҲАТ

Чекишнинг зарарини СПОРТ тарозусида ўлчанг!

Тарози:– Вой, қаёққа?! Сигаретнинг зарарини аниқлашга бу тош ҳам кор қилмади-я!

САЛМОҒИНИ АЙТМАЙСАНМИ?!

Саҳнада «енгил-елпи»сидан олаётган айтимчи кашанда эди. Бирдан унинг йўтали тутиб қолди. У сездирмаслик учун қўшиқни шундай давом эттирди:

Ўх-хў, ўх-хў, ўх-ўх-ўх.
Ўх-хў, ўх-хў, ўх-ўх-ўх.
Ўх-хў, ўх-ўх, ўх-хў.
Ўх-хў, ўх-ўх, ўх-хў...

«Аъло» даражада чиққан «йўталма» ёшлар орасида тезда оммалашиб кетди.

* * *

– «Топарман-тутарман»ларнинг хотини ҳар куни эри келтирган пулни санайди. Мен эса йўталингизни санаб улгуролмайман, – зорланди кашанданинг хотини.

– Санокдан жуда қуруқ қолма деб йўталяпман-да, – жавоб берди кашанда.

* * *

Учига чиққан кашанда бир танишини учратиб қолди ва унга деди:

– Мен, ўх-хў, чекиш-ўхни, ташладим...

– Қандай қилиб, умуман иложим йўқ дегандинг-ку? – сўради таниши.

– Чунки ўх-хў, йўтал-ўхим, чекишга фурсат ўх-хў, бермай тут-ўх-япти...

* * *

– Йўталимни қоғозга туширса ҳар кун бир романдан кам бўлмайди, – деди кашанда дўстига.

– Салмоғини айтмайсанми?! – деди «танқидчи» кашанда.

Ҳикмат сандиқчаси

КИМ НИМАГАЧА?

Кашанданинг югургани...
йўталгача,
Ароқванднинг югургани...
тиланчигача,
Гиёҳванд... югурмайди!

ҚЎЛ КИМНИКИ?

Чекувчилардан нима учун, қачон чекишини бирров сўралганда, шундай жавоб айтишди:

– Жаҳлим чиққанда.
– Зерикканимда.
– Энди ўрганиб қолганмиз.
– Ҳамма чекаётгани учун.
– Қилишга иш тополмай қолсам.
– Билмадим, чекким келгани учун.
– Арзон ва қулай, истаган ташвишдан бир пасда фориғ қилади.
– Ташламоқчи эдим, телевизорда кўриб яна чекворди.
– "Ош-ноним"у...

Шуни илова қиламизки, бу саволга ёшлар «зерикканимдан», ўрта ёшлилар «жаҳлим чиққанда, ишлар юришмаса», ёш болалар «ҳамма чекаётгани учун» деган жавобларни кўпроқ айтишган.

Орамизда чекмайдиганлар ҳам бор, албатта. Улардан чекмасликларининг сабабини сўраганимизда шундай дейишди:

– Уйдагилар қўйишмайди.
– Фойдаси йўқлиги учун.
– Қачон қарасанг, бир қўлингни банд қилиб туради.
– Чеккан билан иш битмайди.
– Спортчи бўлмоқчиман.
– Ташлаганман, жонимга тегиб кетди.
– Нима учун чекишим керак?
– Йўталга тоқатим йўқ.

САВОЛ-ЖАВОБ

Ул нимадур, мўри қилур танингни,
Ул нимадур, шўридур баданингни,
Ул нимадур, сени сондин чиқарур,
Ит-мушук билмас одам эканингни.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори
Аввал боштин солма кўз алар сори.

Ул нимадур, наркўманлик бошидур,
Ул недур, ҳар балонинг бош-қошидур.
Ул нимадур, домига илинганлар
Шайтон учун қўни-қўнжин тошидур.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори
Аввал боштин қўл сунма алар сори.

Ул нимадур, ўпкажонинг ўпқони,
Ул нимадур, меъданг офат топқони,
Ул нимадур, иситмасиз титратур,
Ҳар хумори минг бир безгак тутқони.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори,
Аввал боштин ўй сурма алар сори.

Ул нимадур, ёш, ўрта ёш тортадур,
Ул нимадур, топганингни ютадур,
Ул нимадур, хонумонинг совуриб
Ўзингни бир ўғри, бебош этадур.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори,
Аввал боштин адашма алар сори.

Ул нимадур, бездирур ҳамхонангни,
Ул надур, алжиратур забонангни,
Ул нимадур, болангни ёт кўрсатур,
Танимайсан тортсанг, ота-онангни.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори,
Ортга юр ўтган эрсанг алар сори.

Ул нимадур, олифталик билурлар,
Ул нимадур, ичиб маймун бўлурлар,
Ул нимадур, ихтиёрин берганни,
Устида хоҳлаган ишни қилурлар.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори,
Ақлинг бўлса қайрилма алар сори.

Ул не, тархин бузур ақлхонангни,
Ул нимадур, тўзитур тан қалъангни,
Ул нимадур, акси уриб ҳаммага
Туғилмасдан майиб айлар болангни.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори,
Кўп яшарсан боқмасанг алар сори.

Ул нимадур, охир ичинг элайдур,
Ул нимадур, бор-йўғингни талайдур,
Ул нимадур, сиртмоғина сиртилган,
Текин жондур, тезда жарга қулайдур.
Ул папирос, ул ароқ, ул кўкнори,
Аввал охир йўлама алар сори!..



Ҳажвий материаллар муаллифи: УЗРО

Урфон ОТАЖОН

ИШҚ БОҒИ ҲОЛАТИ

Ҳикоя

1449 йил, баҳор, жумаъ куни. Низомиддин Мир Алишер Навоий Ансория остонасидан бениҳоя хушнуд, мамнунлик билан уйга қайтди.

Бугун ҳазрат Алишер Навоий подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо олийҳазрат тарафидан Ансория остонасининг шайхи этиб тайинлангани муносабати билан Ҳирот улуғлари, фозилларининг дуои фотиҳаларини олиш учун катта йиғин ўтказди. Хожа Абдуллоҳ Ансорий хонақоҳи ва унинг атрофига минглаб хосу авом тўпланди. Ҳазрат Алишер Навоийни бу олий мақом ва мартаба билан шайхулислом Сайфиддин Аҳмад Тафтазоний, аҳли иршод жумласидан шайх Абу Саид Пурроний, мавлоно Камолиддин Ҳусайн Кошифий, алломаи замона мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомийлар мубораклаб этдилар ва дуолар қилдилар. Ҳазрат Низомиддин Алишер Навоий бугун ўзининг энг эзгу ниятларидан бирига эришиб дарвешлик мақомини олди. Йиғинда ош тортилиб, уламо ва фозилларга, неча юз дарвешларга чопонлар ва пўстинлар тортиқ қилинди...

– Ҳазрат шундай йиғин ўтказиб ҳеч нарса тотинмадингиз, дастурхон ҳозирлайму, – сўради Соҳибдоро узун, енгил қабони Навоий қўлидан олиб.

– Бир оздин сўнг, мавлоно. Йиғин яхши ўтдиму?

– Бениҳоя яхши ўтди, ҳазрат! – тўлқинланиб жавоб берди Соҳибдоро.

– Ажиб бир мажлис бўлмиш, ҳазрат, – тасдиқлади Соҳибдоронинг сўзини Устод Беҳзод ва ўзича «қани энди Ҳазратнинг шул нур ёғилиб турган сиймосини нақш этолсам!» деб ўйлади.

– Дуруст. Лекин кўнглимни бир армон тикони тирнамоқда, – деди Алишер Навоий бироз маҳзунлик билан.

– Қандай армон, ҳазрат? – сўради Хондамир ажабланиб ва: «Подшоҳ олийҳазратнинг бу маросимга келолмаганлариданмикин?» – деб ўйлади.

– Соҳибқирон олийҳазратларининг Сарахсдан келолмасликлари тайин эрди, – деди Алишер Навоий муаррихнинг айтмаган саволига жавоб бергандай. армоним ўзга бир нарсададур, ҳаёт бўлганларида Жомий ҳазратлари бул йиғинда қатнашиб дуо қилган бўлур эрдилар!

Орага сукут тушди. Барчаларининг кўзлари ўнгида ҳазрат Жомийнинг улуғвор сиймоси пайдо бўлди ва ўзлари нега ўша онларда ул ҳазратни эсламаганларига ҳижолат тортдилар.

– Нега тик турибмиз? – сукунатни бузди Алишер Навоий, – ўтирсунлар! Мавлоно Ғиёсиддин Деҳдор Қуръони каримдан тиловат қилсалар дуруст бўлур эрди.

Ҳамма ўтиргач, Ҳофиз Ғиёсиддин Деҳдор ниҳоятда хуш овоз билан Қуръон сураларидан ўқиди. Суҳбат аҳли мутаассир бўлиб бошларини эгдилар...

– Мавлоно, – Соҳибдорога мурожаат қилди Алишер Навоий, – энди дастурхон буюринг, менимча хизмат ила бўлиб сизлар ҳам овқатланмагансизлар. – Шайх Бахлул тўғрисинда бундай деб бўлмас, – кулди Соҳибдоро дўстига ҳазил қилиб ва ташқари чиқди.

Шайх Бахлул майин табассум қилиб қўйди. Дастурхон солиниб, овқатланиб бўлганларидан сўнг ҳазрат Навоий:

– Бугун шундай ният қилдимки, Ансория атрофинда хушманзара катта бир боғ, янги хонақоҳ бунёд этурмиз ва ҳар куни Хирий дарвешлари , хосу авом ва мусофирлар учун катта қозонда овқат тайёрланур, иншооллоҳ! – деди дўстларига ва уларга рухсат берди.

Дастурхон йиғиштирилиб, бир мулозим хон устига шамъ, давот, қоғоз ва қалам келтириб қўйди. Навоий бир нафас ором олиш учун энди ёнбошлаган эди, Соҳибдоро қайтиб келди ва Сарахсда қароргоҳ қилиб турган Олийҳазрат Султон Ҳусайн Мирзодан қосид келганини айтиб, подшоҳ номасини Алишер Навоийга узатди.

Ҳазрат Навоий номани қўлига олиб ўпди, кўзларига теккизди-да, сўнг ўқиш учун очди...

Эрталаб қуёшнинг заррин нурлари ҳазрат Навоийнинг боғчасидаги дарахтлар учига тушган пайтда бир коса қаймоқ ва иссиқ нон кўтариб мавлоно Соҳибдоро келганида Алишер Навоий ёзиб ўтирган эди.

– Келсунлар, мавлоно, – деди Навоий, ёзишдан тўхтаб.

– Ҳазрат, иссиқ нон билан қаймоқ келтирган эрдим, нон совиб қолмасин, – нонушта қилишга таклиф этди Соҳибдоро.

– Ажаб яхши иш қилибсиз, мавлоно. Олийҳазратнинг кеча юбормиш ғазалига мусаддас боғлаш хотирага келиб икки-уч банд ёзилди.

– Офарин ҳазрат. Шундай бўлур, деб кўнглимдан ўтган эрди-я,

Соҳибдоро хонтахта устига дастурхон солиб, қаймоқ ва нонни қўйди.

– Бугун бир ажиб туш кўрдим, мавлоно. Аввал мусаддаснинг ёзилган бандларини ўқиб берайму ё тушни айтайму.

– Аввал мусаддасни эшитиб, сўнг қаймоқдан тотиб кўриб, ундан кейин... – табассум қилди Соҳибдоро.

– Маъқул. Икки бандни кечаси, учинчисини эрса ҳозиргина ёзилди. Эшитинг, мавлоно,

Ишқ зор этти халойиқ ибтилосидин мени,
Ҳар замон бир таънагир муҳлик адосидин мени,
Ҳажр худ қуйдурди дарди бедавосидин мени,
Ҳам ўлум қилғай халос анинг жафосидин мени,
Эй ажал, озод қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.

Ишқ боғи ҳолатин сўр ошиқи огоҳдин,
Ким, қазосинда тафовут йўқ гадоға шоҳдин,
Ҳам суйи пайкон юраклар ичра қозғон чоҳдин,
Ҳам ҳавоси ўтлуқ оҳи нолаи жонкоҳдин,
Заъфим ошти ҳажри боғида сиришку оҳдин,
Қутқар эй васл, ул чаман обу ҳавосидин мени.

Неча ҳижрон ўтиға онсиз мени куйдургасен,
Жонима ҳар лаҳза фурқат шуъласин еткургасен,
Нотавон кўнглумга ҳар дам юз бало келтургасен,
Зар жисмимни ажал водийси сари сургасен,
Эй ажал, қўрқутма ўлтургум дебон, ўлтургасен
Гар тирик топсанг фироқининг жафосидин мени.

– Оҳ, ҳазрат. Қандай зебо сўзлар, маънолар топмишсиз –тўлқинланиб кетди эҳтиросли Соҳибдоро.

– Мусаддас ҳали битмаган мавлоно, ортиқ баҳо берилмасун. Қани дастурхонга марҳамат. Қаймоқ ва иссиқ нон, бундан аъло нонушта бўлмас, – Соҳибдорога миннатдорчилик билдирди Алишер Навоий.

– Мусаддаснинг «Ишқ боғи ҳолатин сўр ошиқи огоҳдин» мисрасини бир неча бор қайтариб ухлаб қолибмен. Ажаб хуш таъмлик қаймоқ эркан, мавлоно, – сўз орасида қаймоқни ҳам мақтади Алишер Навоий, сўнг давом этди. – Тонгга яқин туш кўрибмен. Маккаи мунаввара, Байтуллоҳ тавофига борган эмишмен, сўнг Ясрибга келибмен. Кейин эса Карбалода эмишмен. Карбалода Сулаймон исмли бир мавлоно бениҳоя назокат ва лутф ила уйига таклиф этибдур. Ул зот шундай хуш такаллуф эрдики, қабул этмасликнинг иложи йўқ эрди. Биз унинг уйига бордик. Ҳовлига кирсак, воажаб, райҳонлар экилган гулзор олдидаги супада ҳазрат-Низомий, мавлоно Лутфий, Ҳофиз Шерозий, мавлоно Отойи, мавлоно Ҳоқоний, ҳазрат Жомий ва яна мен танимаган икки зот ўтирибдилар. Улар мени хушнуд кутиб олишди. Мен ҳам даврага ўлтирдим. Шул замон мавлоно Сулаймон уйдан бир гўдакни кўтариб чиқди-да, болани ҳазрат Низомийга бериб: «Ўғлимиз Муҳаммад бугун бир ёшга тўлди, дуо қилсалар», деди. Ҳазрат Низомий боланинг пешонасидан ўпиб, мавлоно Лутфийга бердилар. Мавлоно Лутфий ҳам унинг пешонасидан ўпиб, дуо билан мавлоно Ҳоқонийга бердилар. Мавлоно Ҳоқоний эса мавлоно Ҳофиз Шерозийга, алар эса мавлоно Отойига бердилар. Мавлоно Отойидан болани ҳазрат Жомий олдилар ва чўнтакларидан кичкинагина ҳолва олиб гўдакнинг оғзига солдилар, сўнг дуо қилиб уни менга бердилар. Боланинг чеҳраси тиниқ, нурли эди. Ҳазрат Жомий уни менга берганларида таажжубки ўша мисра, яъни «Ишқ боғи ҳолатин сўр ошиқи огоҳдин» ёдимга келмиш. Мен, бул гўдакнинг пешонасидин ўпиб дуо қилиб мавлоно Сулаймонга бердим. Бола энди юра бошлаган эркан, отаси беш-олти қадам етаклаб борди-да кўтариб олди.

– Ажаб кароматли туш – хитоб қилди Соҳибдоро.

– Дарҳақиқат ажойиб туш, мавлоно Соҳибдоро. Назаримда Карбалода Сулаймон исмли зот хонадонинда буюк иқтидорли шоир вояга етгусидур. Унинг ғазаллари мана шу сиз келтирган қаймоқдай бўладур, – деди ҳазрат Навоий табассум билан.

– Иншооллоҳ. Балки ул катта бўлиб, бул мусаддас ва бул мисрадан илҳом олиб ғазал ёзар, – деди Соҳибдоро.

Шу куни узоқ Карбалода Сулаймон ўғли Муҳаммад, бўлғуси буюк шоир ҳазрат Фузулий бир ёшга кирган эди...

Охирги сўз:
Филдан хотин, пашшадан эр,
Фил пашшани «сиз»лаб дер...

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 1-сонли давлат мевасабзавот тайёрлов савдо корхонаси (ОКПО коди-03976894)

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Уйғур кўчаси, 487-уй, Тел: 110-77-35.

Milliy Tiklanish
Muassis: Milliy tiklanish demokratik partiyasi

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Ҳисоб реквизитларимиз:
«Миллий тикланиш» газетаси х/р 20212000900127285001 Ўзсаноатқурилиш банки", минтақавий бўлим. МФО 00424, ИНН 201133929

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 41.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.30

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Абдушукуров МУЗАФФАР